

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

“ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ” КАФЕДРАСИ

КУРС ИШИ

Мавзу: Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар

Бажарди: 2-ҳуқуқ 3 курс Б поток

1-гуруҳ талабаси Чориев Илхом

Текширди: М.Х.Баратов

ТОШКЕНТ-2012

М У Н Д А Р И Ж А

К И Р И Ш

Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва уларни ҳисоблаш

1.1.Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар тушунчаси ва аҳамияти.

1.2.Муддатларнинг турлари.

1.3.Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш муддатлари.

1.4. Муддатларни ҳисоблаш асослари ва тартиби.

1.5.Даъво муддати тушунчаси ва аҳамияти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг янги мазмун ва маъно касб этиши, фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишнинг бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган усуллариининг вужудга келиши ҳамда фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги шартнома муносабатларини тартибга солишда янги қонунчилик негизининг шаклланиши фуқаролик ҳуқуқининг бир қатор институтларининг такомиллашиб, янги қоидалар асосида ривожланишига олиб келди.

Иқтисодий ҳаётда вужудга келган янги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда фуқаролик ҳуқуқининг бошқа институтлари каби “муддатлар ва даъво муддати” институти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айнан муддатлар орқали фуқаролик ҳуқуқида «аниқлик», «вақт», «мажбуриятларни лозим даражада бажариш», «субъектларнинг ўз ҳуқуқларига эътиборли бўлишлари», «хатти-ҳаракатларни бажаришда кечикмаслик» ҳолатлари эътиборга эга бўлади ва ҳар бир содир бўлаётган фуқаролик-ҳуқуқий муносабат учун зарурий шартлардан бири саналади. Шу билан бирга, муддатлар субъект ва объектнинг ўзаро боғлиқлигида муҳим ўринга эга бўлиб, шахснинг объектга нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятлари амал қилишининг энг “кўп” ва “кам” вақтини белгилаб беради. Масалан, субъектларнинг мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи муддатсизлиги (ФКнинг 164-моддаси) ёки ижарачининг ижарага олинган ашёга эгалик қилиш муддатининг тарафларнинг розилиги билан белгиланиши ва ҳ.зо.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги тенглик (эквивалентлик) ни таъминлашда муддатлар асосий омиллардан бири саналади. Чунки, мажбуриятнинг ўз вақтида бажарилмаслиги, белгиланган пайтда ашёнинг топширилмаслиги, пулнинг ўтказилмаслиги, хизматнинг кўрсатилмаслиги субъектлар ҳуқуқларининг бузилишига ва қонуний манфаатларига путур етишига олиб келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келган янги қонун ҳужжатларида муддатларга нисбатан бозор иқтисодиёти қонуниятлари талабларига асосланган қоидаларнинг белгиланиши муддатларнинг фуқаролик ҳуқуқидаги ўрни ва аҳамияти, тегишли ҳуқуқий муносабатларга уларни қўллашда назарий ва амалий тадқиқотларни ривожлантиришни талаб қилади. Шу маънода мазкур ўқув қўлланмаси муддатлар тушунчасини очиб беришда, муддатларнинг турлари, муддатларни белгилаш ва уларни ҳисоблашда, даъво муддатларини татбиқ этишда муҳим ўринга эгадир.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда муддатлар институтининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил этишда асосий эътибор мажбурият-ҳуқуқий муносабатларда ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда муддатларнинг қўлланилишига қаратилиши лозим. Зеро, фуқаролик муомаласининг асосини ташкил этувчи мажбурият муносабатлари ва шартномаларда муддатлар ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ва контрагентларнинг ҳуқуқ ва

мажбуриятларини лозим даражада бажарилишида асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларида шартномаларга алоҳида эътибор қаратилганлиги, айниқса, хўжалик шартномаларининг мамлакат иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятининг ортиши натижасида бу шартномаларда қўлланиладиган муддатларни белгилашда тарафларга кенг имкониятлар ва эркинликлар берилди. Қонун ҳужжатларида белгиланганидан ташқари тарафлар шартномадаги у ёки бу ҳаракатнинг амалга оширилиш пайтини ўзаро келишув асосида белгилашлари мумкинлиги, бозор иқтисодиётидаги эркинлик, талаб ва таклиф, рақобат қонуниятларининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларда қўлланилаётганлигидан далолат беради.

1-Боб. Муддатлар ва уларни ҳисоблаш

1.1. Муддатлар тушунчаси ва аҳамияти

Фуқаролик ҳуқуқининг кўплаб институтлари мавжудки, улар деярли барча фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар учун хизмат қилади. Масалан, мулк ҳуқуқи, битимлар, мажбурият, ворислик институтлари. Лекин фуқаролик ҳуқуқида шундай институт мавжудки, у фуқаролик ҳуқуқининг бошқа институтлари учун ҳам, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши учун ҳам, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва муҳофаза қилиш ҳамда фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик масалалари учун ҳам зарурий омил ҳисобланади. Бевосита фуқаролик ҳуқуқининг шу институти орқали субъектлар ўртасидаги фуқаролик муомаласида аниқлик, мулк ҳуқуқи ва мажбурият ҳуқуқи институтларида зарурий ҳолат фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ўзаро муносабатларида ҳатти-ҳаракатнинг бошланиш пайти белгиланади. Фуқаролик ҳуқуқининг юқоридаги хусусиятларига эга бўлган институти бу муддатлар ва даъво муддати институтидир.

Муддатлар ва даъво муддати институтининг фуқаролик ҳуқуқининг мустақил институти сифатида эътироф этилишига сабаб нима деган савол туғилади. Шу саволга жавоб беришдан олдин ҳуқуқ институти масаласига эътибор қаратиш лозим.

М.А.Ахмадшоевнинг фикрича, ҳуқуқ институти ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Одатда, ҳуқуқ институти ҳуқуқий нормаларнинг унчалик катта бўлмаган барқарор гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини тартибга солади.¹ Ушбу фикрларни давом эттириб шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқ институтлари томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар умумийлик ва ўзаро узвийлик нуқтаи назаридан гуруҳланиши лозим.

И.Б.Зокировнинг фикрича, ҳуқуқий институт деб, бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг муайян гуруҳини тартибга соладиган ҳуқуқий меъёрлар гуруҳи тушунилади.² Фикримизча, бу ерда жумладаги "...бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг муайян гуруҳи" деганда умумийлиги, ўзига хослиги ва алоҳида жиҳатлари билан бошқа гуруҳдаги ижтимоий муносабатлардан ажралиб турувчи муносабатлар тушунилмоғи лозим.

Баъзи олимларнинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий институтлари деганда, фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг улар тартибга солувчи ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий муносабатларнинг алоҳида турларидан келиб чиқиб, гуруҳларга бириктирилиши тушунилади.

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси./Масъул. муҳаррир. Бобоев Х.Б. Одилқориев Ҳ.Т. (XIV-боб муаллифи Аҳмадшоева М.А) -Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси 2000. -314-315 б.

² И.Б.Зокиров. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи. -Т.: Адолат 1996. -13 б.

Фуқаролик ҳуқуқи институтларига билдирилган ушбу фикрлар албатта, мантикий асосга эга. Бу фикрлардан келиб чиқиб муддатлар ва даъво муддатини тартибга солувчи умумийлик, ўзига хослик, узвий алоқадорлик мезонлари асосида бириктирилган фуқаролик ҳуқуқий нормалар муддатлар ва даъво муддати институтларини ташкил этади.

Муддатлар ва даъво муддати масалалари фуқаролик ҳуқуқида анча кенг ўрганилган. Чунки, муддатлар масаласи фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан бири сифатида, фуқаролик ҳуқуқи соҳасида қалам тебратган барча таниқлик ҳуқуқшунос олимлар мурожаат қилишлари зарурий омил сифатида қаралади. Зеро, муддатлар ва даъво муддатини ўрганмасдан, тадқиқ этмасдан туриб фуқаролик ҳуқуқига кириш мумкин эмас. Ҳолбуки, юқорида таъкидлаганимиздек, муддатлар фуқаролик ҳуқуқининг деярли барча институтлари учун аҳамиятли ҳисобланади.

Муддат тушунчасига фуқаролик қонунчилигида таъриф берилмаган. Лекин бу тушунчага кўплаб ҳуқуқшунос олимлар томонидан таъриф берилган. Ушбу таърифларни ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, баъзи ҳуқуқшунос олимлар томонидан берилган таърифлар, бошқа олимлар томонидан тўлдирилган ва бойитилган. Масалан, И.Б.Зокировнинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқида муддат деб, - аниқ белгиланган вақтга айтилади³. Бу таърифда ҳам муддат тушунчасига тўлиқ ёндошилган. Зеро, биринчи таърифда муддат тушунчасига аниқ ва қисқа таъриф берилган. Чунки ҳар қандай муддат ҳам аниқ белгиланган (мавҳум ёки белгиланмаган вақт ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас) вақт ҳисобланади. Вақтнинг доимий ҳаракати муддат ўтиши бошланиши ва тамом бўлишини юзага келтиради. Мантикий нуқтаи назардан қараганда, муддат белгиланган пайтдан ўта бошлайди, маълум пайт (давр)дан сўнг тамом бўлади. Худди шундай вақт ҳам белгилангач, ўта бошлайди ва белгиланган давр (пайт)да у тугайди. Шунинг учун ҳам муддат тушунчаси фуқаролик ҳуқуқида фақатгина аниқ белгиланган вақт тушунчаси билан айний ҳисобланади. Иккинчи таърифдаги бошланиши ва ўтиши белгиланган ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтирадиган пайтлар ва вақт даврларигина муддат ҳисобланиши, вақт аниқ белгиланиши билан бирга ҳуқуқий оқибатлар вужудга келтириши лозимлигини ифодалайди. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ, маҳсулот етказиб бериш пайти сифатида 1 март белгиланган бўлса, айнан шу пайтдан бошлаб маҳсулот етказиб беришни кечиктирганлик учун, кечиктиришнинг ҳар бир кунига қонунда назарда тутилган миқдордаги пеняни тўлаш назарда тўтилади. Муддатнинг ўтиб кетиши ҳам бирор ҳуқуқий оқибатни вужудга келтириши лозим. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 895-моддасига мувофиқ, юк топширувчи ашёларни қайтариб олишдан бош тортган тақдирда ломбард уларни уч ой мобайнида сақлаб туриши шарт. Бу муддат ўтганидан кейин ломбардда талаб қилиб олинмаган ашёни қонунда белгиланган тартибда сотиш ҳуқуқи вужудга келади.

³ И.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. -Т.: Адолат. 1996. -124 б.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, муддатлар тушунчасини куйидагича баён этиш мумкин:

-фуқаролик ҳуқуқида муддат деб, аниқ белгиланган, ўтишининг бошланиши ва тамом бўлиши муайян ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтирадиган, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва муҳофаза қилишга қаратилган пайтлар ва вақт даврларига айтилади.

Муддат ҳуқуқий оқибат туғдириши, ҳуқуқ ва бурчларни вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш мумкинлиги учун ҳам уларни юридик факт деб аташ мумкин бўлади. Муддатлар юридик фактлар тизимида алоҳида ўринга эга.

Юридик фактлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳолатлар ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатлар ҳам юридик факт ҳисобланмайди. Фақатгина юз бериши натижасида фуқаролик ҳуқуқий муносабатни вужудга келтириши, ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин бўлган ҳолатларгина юридик факт бўлиши мумкин.

Баъзи олимларнинг фикрича, муддатларнинг бошланиши (ўтиб кетиши) объектив тавсифга эга бўлади, яъни бу ҳолат фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг иродасига боғлиқ бўлмайди ва муддатлар ҳодисалар жумласига киради. Ҳодисаларнинг рўй бериш ёки бермаслиги инсон эрки-иродасига боғлиқ бўлмаганидек, муддатнинг ўтиши ҳам фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари тўхтатиб тура олмайдилар. Чунки, муддат - аниқ белгиланган вақтдир. Бунда фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари муддатларни ўзгартириши (узайтириши, қисқартириши ёки бошқа вақтга кўчириши) лари мумкин бўлса-да, муддатга белгиланган вақт ҳаракатини тўхтатиб тура олмайдилар. Масалан, ФКнинг 150-моддасига мувофиқ, умумий даъво муддати уч йил қилиб белгиланган ва ҳуқуқи бузилган шахс бу муддат ўтишини ўз эрки-иродаси билан тўхтатиб тура олмайди (қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно).

Агар ҳодисаларнинг рўй бериши ёки бермаслиги эҳтимолли ҳолат бўлса, муддатларнинг ўтиши аниқ, белгиланган муддат тегишли вақтда тугаши лозим бўлган ҳолатдир. Гарча тегишли муддатда бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар мазмуни ўзгарса-да, муддатнинг тамом бўлиши муқаррар ҳисобланади. Масалан, уй-жой ижараси шартномаси муддати тугашидан олдин бекор бўлиши мумкин ва бунда ижарага олувчи тўлаши лозим бўлган ижара ҳақи, ижара шартномаси муддатида тўлаш шарти билан қарз мажбуриятига айлантирилиши мумкин.

Ҳодисаларнинг рўй бермаслиги ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келмаслиги, ўзгармаслиги ва бекор бўлмаслигига олиб келади. Лекин бунда ҳодисанинг белгиланган муддатга қадар рўй бериши назарда тутилиши мумкин. Масалан, созанда ўз бармоқлари шикатланмаслигини эллик йил муддатга суғурталаши мумкин ва шу муддат ўтиши билан ҳодиса рўй бермаслиги натижасида, вужудга келиши назарда тутилган суғурта мукофотини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келмайди. Аниқроғи, ҳодиса рўй бериши натижасида вужудга келиши лозим бўлган ҳуқуқий муносабат

амалга ошмайди. Лекин бу муддатнинг тамом бўлиши тарафлар ўртасидаги суғурта муносабатларини барҳам топишига олиб келади.

Баъзи олимларнинг фикрига кўра, муддатлар юридик фактлар тизимида алоҳида ўринга эга бўлиб, уларни юридик фактларнинг мустақил тури ҳисоблаш мумкин. Лекин ушбу фикрга қўшилиб бўлмайди.

И.Зокировнинг фикрича эса, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ва бекор қиладиган асослар сифатида кўрилган юридик фактлар тўрт гуруҳга: ҳуқуқий ҳужжатлар, юридик ҳатти-ҳаракатлар, ҳодисалар ва ҳаракатларга бўлиниши мумкин⁴

Фикримизча, муддатларни юридик фактларнинг айнан ҳодисалар ва ҳатти-ҳаракатлар гуруҳига киритиш мумкин. Юқорида муддатлар ва ҳодисалар ўртасидаги нисбатни таҳлил этгандик. Ҳатти-ҳаракатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг эрки-иродаси билан юзага келганидек, муддатларнинг белгиланиши ҳам кўпчилик ҳолатларда фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг эрки-иродаси билан амалга оширилади. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси уч йил муддатга, ижара шартномаси бир йил муддатга, прокат шартномаси икки ой муддатга тарафларнинг ўзаро келишуви билан белгиланиши мумкин.

Гарчи, ҳаракат ҳуқуқ йўл қўйган ва ҳуқуқ йўл қўймаган турларга бўлинса-да, ҳар иккала ҳолатда ҳам фуқаролик ҳуқуқий муносабат вужудга келади, ўзгаради ва бекор бўлади. Лекин муддатлар қонунга хилоф бўлиши мумкин эмас. Масалан, ҳуқуқ йўл қўймаган ҳаракат, яъни зарар етказиш натижасида ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабат вужудга келса, зарар етказилган шахс билан зарар етказувчи ўртасида етказилган зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик-ҳуқуқий муносабат вужудга келса, белгиланган муддатни ҳуқуқ йўл қўйган ҳолатлар орқали ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Масалан, ФКнинг 150-моддасига мувофиқ умумий даъво муддати уч йил қилиб белгиланган. Кредитор ёки қарздор ушбу муддатни икки йилга камайитишга ҳақли эмас.

Ҳар қандай ҳаракат ҳам ҳуқуқий оқибат туғдирмаганидек, ҳар қандай муддат натижасида ҳам фуқаролик ҳуқуқий муносабат вужудга келмайди, ўзгармайди ва бекор бўлмайди. Масалан, фуқаро ўзига тегишли қаламни стол устига қўйса, бу ҳаракат натижасида ҳуқуқий оқибат вужудга келмайди, лекин қаламни маълум муддатга фойдаланишга берса, бу ҳаракатда ҳуқуқий оқибат юзага келади. Икки фуқаро учрашишга келишиб, белгиланган муддатда улардан бири учрашувга келмаса ёки келса ҳам бундай муддат натижасида фуқаролик-ҳуқуқий оқибат вужудга келмайди. Лекин ижара шартномасида белгиланган муддатга мувофиқ ижарага олувчи ижара ҳақини ижарага берувчига бермаса, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда ўзгариш юзага келади. Яъни, ижарага олувчи энди шартномада келишилган суммани эмас, балки ҳақ тўлашни кечиктирганлиги учун фоизларни ҳам қўшиб тўлайди.

Муддатлар фуқаролик ҳуқуқининг кўплаб институтлари учун муҳим аҳамиятга эга. Масалан, фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки вафот

⁴ И.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 1996. -31 б.

этган деб эълон қилишда ҳам қонун тегишли шартлар асосида муайян вақт ўтиши лозимлигини ифодалайди. ФКнинг 33-моддасига мувофиқ, агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд бу фуқарони бедарак йўқолган деб топиши мумкин. Бу ҳолатда муддатнинг бир йил қилиб белгиланишига шу муддат давомида фуқаронинг ўзи яшаётган жойига хабар бера олмаслиги ҳисобга олинади.

Қонун ушбу муддат қачондан бошлаб ҳисобланишини ҳам эътироф этади. Унга кўра, йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, бедарак йўқолган деб ҳисоблаш муддати йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан, бу ойни белгилаш мумкин бўлмаган тақдирда эса - кейинги йилнинг биринчи январидан бошланади.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиб, бунда фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари барҳам топади. ФК ушбу ҳолат учун уч йил, олти ой ва икки йиллик муддатларни белгилайди (ФКнинг 36-моддаси).

Муддатлар фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда ҳам алоҳида ўринга эга. Субъектив фуқаролик ҳуқуқи ўз ҳаракати даврида муддатсиз (масалан, мулк ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи) ва муддатли (ижарага олинган мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи, меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳуқуқи ва бошқалар) бўлади. Иккинчи ҳолатда ҳуқуқ фақатгина ҳаракатланиши мумкин бўлган муддат давомида амалга оширилиши лозим.

Шу билан бирга, муддатлар субъектив ҳуқуқ учинчи шахслар томонидан бузилса ва муҳофазаланиши лозим бўлса, муддатлар вақт бирликларида амал қилади. Масалан, ҳуқуқи бузилган шахс қонун билан белгиланган вақт ичида ўз ҳуқуқлари ҳимоясини талаб қилиши лозим. Шунинг учун ҳам муддатлар фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Вакиллик фақатгина белгиланган муддат давомида ўзига ваколат берган шахс номидан унга нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вакиллик ва ишончнома учун ҳам муддатларнинг аҳамияти муҳим ҳисобланиб мажбуриятларини бевосита вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ва бекор қиладиган ҳаракатларни қилади. Белгиланган муддат тугагач қилинадиган шундай ҳаракатлар ваколат берувчи томонидан маъқуланганидагина ҳуқуқий оқибат вужудга келтирилиши мумкин. Бошқа ҳолатларда муддат ўтгач амалга оширилган ҳаракатлар ваколат берган шахсга нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтирмайди, ўзгартирмайди ва бекор қилмайди.

Ишончнома эса фақатгина қонун белгиланган муддатларда амал қилишини қонунчилик қатъий белгилаган. Маълумки, ишончнома бир шахс(ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга(ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ҳисобланади(ФКнинг 134-моддаси) ва қонун ишончнома орқали вакиллик

қонунда белгиланган, аниқ вақт давомида амал қилишини мустаҳкамлайди. Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ ишончнома кўпи билан уч йил муддатгача амал қилиши мумкин. Бу муддат ўтгач ишончнома ва у асосдаги вакиллик бекор бўлади. Вакиллик давом этиши учун эса ваколат берувчи шахс янги ишончнома бериши лозим. Масалан, автомобилни ишончнома асосида берган ваколат берувчи уч йил муддат ўтгач, янги ишончнома асосида автомобилни яна шу шахсга топшириши мумкин.

Ишончномага нисбатан бундай талабларнинг қўйилиши шахсларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларига ва мажбуриятларига бепарво қарамасликлари ва турли хилдаги низоларнинг олдини олишни мақсад қилади. Зеро, муддатсиз ишончнома мулкдор мулкани унинг ўзига қайтиши вақтини чўзилиб кетишига ва охир-оқибат мулкдор зарар кўришига олиб келиши мумкин.

Агар тарафлар ишончномада муддат масаласига эътибор қаратишмаса ва унинг амал қилиш муддатини кўрсатишмаса, ишончнома у берилган пайдан бошлаб бир йил мобайнида амал қилади. Лекин бунда ишончнома амал қилишининг бошланиш муддати, яъни у берилган сана ишончномада ўз ифодасини топиши лозим.

Муддатлар фуқаролик ҳуқуқида энг йирик институтлардан бири мулк ҳуқуқи институти учун ҳам аҳамиятлидир. Гарчи мулк ҳуқуқи муддатсиз ҳисоблансада, мулк ҳуқуқини вужудга келиши билан боғлиқ бир қатор ҳолатлар вақт даврлари ва муйян пайт даврлари билан белгиланади. Масалан, мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат - кўчмас мулкка ўн беш йил, бошқа мол-мулкка - беш йил (ФКнинг 187-моддаси), эгасиз ашёга нисбатан - уч йил (ФКнинг 191-моддаси), топилмага - олти ой (ФКнинг 193-моддаси) қилиб белгиланган. Бу муддатларнинг ҳар бири тегишли ҳолатларнинг моҳиятидан келиб чиқиб ўрнатилган.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатнинг кўчмас мулкка ўн беш йил қилиб белгиланиши, кўчмас мулкнинг мол-мулклар ва ашёлар тизимидаги ўрни ва шахслар учун аҳамияти юқорилигига асосланади. Чунки, кўчмас мулкнинг баҳоси юқори бўлиши билан бирга шахслар учун уй-жойи, иш жойи, тадбиркорлик объекти ва бошқа асосий фаолият манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга, кўчмас мулк бошқа мулк шакллариغا қараганда учинчи шахслар тажовуздан (ўғирланиши ёки олиб кетилиши, яширилиши ва ҳ.к. лар амалга оширилишининг мумкин эмаслиги) муҳофазаланиш даражаси ҳам юқори бўлади ҳамда ер билан узвий боғлиқлиги туфайли ҳам мулк сифатидаги унинг қадр-қиммати ошади. Ана шу хусусиятлардан келиб чиқиб, кўчмас мулкка қонунда белгилаб қўйилган шартлар асосида эгалик қилинса, мулк ҳуқуқи вужудга келиши мумкинлиги ўн беш йил қилиб белгиланган. Зеро, шахслар ўзининг тегишли кўчмас мулкка мулкдор бўлишга ҳақли эканлигини исботлай олиши лозимлиги шу муддат давомида аниқланади (шунинг учун ҳам қонунчилик бу муддатни уч йил ёки етти йил қилиб эмас, айнан ўн беш йил қилиб белгилайди). Бошқача қилиб айтганда, қонун чиқарувчи муддатни бу даражада узоқ белгилаб кўчмас мулкка мулкдор бўлишга ҳаракат қилаётган шахсни синайди, яъни шахс шу кўчмас мулкнинг эгаси бўлиши мумкин-ми ёки йўқ-ми, деган

саволга жавоб олинади. Агар мулкдор бўлмаган шахс кўчмас мулкка ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз ўн беш йил эгалик қила олсагина у мулкдор бўлиши мумкин. Бу талабалардан бирортаси ўн беш йиллик вақт давомида (муддатнинг сўнгги куни ва дақиқаларигача) бузилса, мулкдор бўлмаган эгадан мол-мулк олиб қўйилиши мумкин.

Кўчар мулклар юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, беш йил эгалик қилинса, эгалик қилган мулкдор бўлмаган шахсга мулк қилиб берилади.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат эгасиз ашёларга (кўчар мулклар)га нисбатан ҳам тадбиқ этилади. Лекин эгасиз ашёга нисбатан мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи қисқароқ муддат ҳам белгиланган. ФКнинг 191-моддаси 4-қисмига мувофиқ эгасиз кўчмас ашё ҳисобга олинганидан кейин, уч йил муддат ўтгач давлат мол-мулкни бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи мулкига кирган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиши мумкин.

Топилмаларга нисбатан белгиланган муддатлар ҳам Фуқаролик ҳуқуқи (мулк ҳуқуқи) ни вужудга келтиришга қаратилади. Бунда топилма милицияга ёки тегишли давлат органига хабар қилинган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса ҳамда ашёни топган шахсга ёхуд милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига ана шу ашёга бўлган ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса ашёни топиб олган шахс унга эгалик қилиш ҳуқуқини олади.

Мулк ҳуқуқи институти учун аҳамиятли бўлган яна бир муддат умумий мулкдаги шерикларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига нисбатан белгиланган муддат ҳисобланади.

Умумий мулкдаги мулкдорлар ўз улушини сотмоқчи бўлса, даставвал ўз улушини умумий мулкдаги шерикларига сотилиш шартлари ва баҳосини билдириб, сотиб олишни таклиф этиши лозим. Шериклар сотиб олишни хоҳлашмасагина мулкдор ўз улушини бошқага сотиши мумкин. Улушни шериклар сотиб олишлари ёки сотиб олмасликларини қонун билан белгиланган аниқ вақтда ифодалашлари лозим. Қонунда бу муддат кўчмас мулкка нисбатан бир ой, бошқа мулкка нисбатан ўн кун қилиб белгиланган.

Вақт мажбурият ҳуқуқига оид муносабатларда ҳам муҳим аҳамиятга эга⁵. Масалан, ўзаро шартнома тузган шахслар маълум вақт ичида бирон-бир ҳаракатни қилишлари: шартнома нарсаси бўлган ашёни топширишлари, муайян ишни бажаришлари, пул тўлашлари, иккинчи тараф томонидан бажарилган ижрони қабул қилишлари лозим.

Мажбурият турларида айниқса, шартномали мажбуриятларда муддатларнинг аҳамияти янада ошади. Чунки, деярли барча шартномаларнинг муҳим шартларидан бири сифатида шартноманинг амал қилиш муддати, товарни топшириш, ишни бажариш, пулни тўлаш, хизмат кўрсатиш вақти эътироф этилади. Масалан, маҳсулот етказиб бериш

⁵ И.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. -Т.: Адолат. 1996. -124 б.

шартномаси бир йилга, бир йилдан ортиқ муддатга ёки тарафлар келишувида белгиланган бошқа муддатга тузилиши мумкин (ФКнинг 438-моддаси). Муддатларнинг аҳамияти шартнома тузиш босқичида ҳам амал қилади. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномасида оферта йўллангандан сўнг ўттиз кунлик муддат ичида (ФКнинг 439-моддаси), контрактация шартномасида етти кунлик муддат ичида жавоб берилиши лозим⁶.

Умуман олганда, муддатлар шартнома шартларини бажаришда, шартномавий жавобгарлик масалаларида муҳим ўринга эга.

Интеллектуал мулк ҳуқуқида ҳам муддатлар ўз ўрнига эга. Айниқса, интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқнинг амал қилиш вақтини аниқлашда муддатларнинг аҳамияти каттадир. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқлар икки гуруҳга бўлинади. Биринчидан, интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулкый ҳуқуқлар бўлса, иккинчидан, интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулкый ҳуқуқлардир.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулкый ҳуқуқлар муддатсиз амал қилади (ФКнинг 1039-моддаси, 2-қисми). Лекин мулкый ҳуқуқлар эса қонунда белгилаб қўйилган муддатлар давомида амал қилади. Масалан, муаллифнинг мулкый ҳуқуқлари, муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан кейин у вафот этган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан 50 йил давомида амал қилади (ФКнинг 1065-моддаси).

Ворислик масалаларида ҳам бир қатор муддатлар белгиланган. Масалан, меросни очилиш вақти, меросдан воз кечиш ҳуқуқига нисбатан муддат (олти ой ФКнинг 1147-моддаси) ва бошқалар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, муддатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишида фуқаролик ҳуқуқларининг амалга оширилиши ва муҳофаза қилинишида ўзига хос ўринга эга. Бошқача айтганда вақт фуқаролик ҳуқуқида ҳар доим зарурий ва муурожаат этилиши талаб этиладиган асосий омилдир.

1.2. Муддатларнинг турлари

Фуқаролик ҳуқуқида учрайдиган жуда кўплад муддатлар бир неча асосларга кўра турларга бўлинади. Муддатлар муддатнинг ким томонидан тайинланишига кўра, ҳуқуқий оқибатига кўра, аниқланиш тавсифига кўра ва бошқа бир қатор асосларга кўра турларга бўлинади.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, муддатлар ким томонидан тайинланишига кўра, учга бўлинади:

1) қонуний муддатлар;

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги №383-сонли Қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом.

- 2) шартномали муддатлар;
- 3) суд томонидан белгиланадиган муддатлар⁷.

Муддатларнинг бундай асосга кўра бўлиниши, муддатни вужудга келтирувчи асос билан тавсифланади. Муддатларни вужудга келтирувчи, яъни белгиловчи ва ўзгартирувчи ҳолатлар тегишли ҳужжатларда ифодаланади (Масалан, қонун, шартнома ёки суднинг ҳал қилув қарорида).

Қонуний муддатлар. Қонунларда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланадиган фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ва бекор қилинадиган вақт ёки давр оралиғи қонуний муддатлар сифатида тушунилади. Қонуний муддатлар ҳуқуқий муносабат иштирокчилари томонидан ўзгартирилиши, камайтирилиши ёки ўзайтирилиши мумкин эмас. Фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланадиган деярли барча муддатлар императив (қатъий) характерга эгадир. Агар қонуннинг ўзида тўғридан-тўғри тарафларга бошқача ҳолатлар белгиланган бўлмаса. Масалан, ФКнинг 22-моддасига мувофиқ фуқаролик муомала лаёқати 18 ёшдан бошланади. Лекин, ФК 16 ёшга тўлган фуқарони ҳам тўла муомалага лаёқатли деб топиш ҳолларини мустаҳкамлайди(ФКнинг 28-моддаси, Эмансипация).

Шартномали муддатлар. Шартнома иштирокчиларининг фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатидаги энг муҳим ҳуқуқларидан бири шартнома тузиш эркинлигининг мавжудлигидир. Маълумки, шартномалар тузиш эркинлиги тамойили қуйидаги учта ҳолат билан ифодаланади.

1) Шартнома тарафларини эркин танлаш.

2) Шартнома предметини, яъни нима тўғрисида шартнома тузилишини танлаш.

3) Шартнома шартларини эркин танлаш.

Тарафлар шартнома тузишда муддатни ана шу уч ҳолатдан келиб чиқиб белгилайдилар. Шартномадаги муддатни белгилашда ҳар бир тараф ўзининг имконияти, хоҳиш-иродаси ва мавжуд вазиятга баҳо беришидан келиб чиқади. Шартнома муддатини белгилашда тарафлар эркин бўладилар. Лекин қонунда мазкур шартнома юзасидан қатъий муддатлар белгиланган бўлса, тарафлар уни ўзгартира олмайдилар. Масалан, ФКнинг 559-моддасига мувофиқ прокат шартномаси бир йил муддатга тузилади. Кўриниб турибдики, тарафлар бу ҳолатда прокат шартномаси муддатини бир йилдан ортиқ қилиб белгилай олмайдилар. Лекин прокат шартномасини бир йилдан кам муддатга, масалан 6 ойга ёки 7 ойга тузишлари мумкин.

Қонун шартнома муддати тугагандан сўнг ҳам тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилиш мақсадида тарафларнинг шартнома юзасидан ҳуқуқларига доир муддатларни белгилайди. Масалан, манфаатдор шахснинг талабига биноан суд яқка тадбиркор ёки юридик шахснинг банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидаларини бузиб, банкрот деб эълон қилинишидан олдинги бир йил ичида тадбиркорлик фаолияти билан

⁷ Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. -Т.: Адолат. 1996. -124 б.

боғлиқ маблағлар ҳисобидан қилинган ҳады шартномасини бекор қилиши мумкин.

Ҳар қандай шартномали муддатлар ҳам, агар иккинчи тараф ўз мажбуриятини бажармаса биринчи тарафнинг талаби билан суд тартибида ўзгартирилиши мумкин. Масалан, ижарага олувчи ижара ҳақини ўз вақтида тўламаса, ижарага берувчи шартнома муддати қисқартирилиши ёки янги муддат белгилашни талаб қилиши мумкин.

Суд томонидан тайинланадиган муддатлар. Фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш, уларни муҳофаза қилиш, ишни бажариш, товарни топшириш, пулни тўлаш, хизмат кўрсатиш юзасидан вужудга келадиган ишларга нисбатан судлар бир қатор муддатларни белгилайди. Бу муддатлар қарздорни муайян ҳаракатни қилиш вақтини белгилашга, тарафлар ўртасидаги низони бартараф этишга доир бўлиши мумкин. Масалан, суд ишни кўриб чиқиб, ҳал қилув қарорида қарздор бир ой муддат ичида ўз қарзини тўлаши лозимлигини белгилайди.

Судлар томонидан тайинланадиган муддатлар ўз навбатида фуқаролик ҳуқуқига оид (моддий ҳуқуқий) ва процессуал муддатларга бўлинади. Процессуал муддатлар фақатгина ишни кўриш билан боғлиқ ҳолатларга тааллуқли бўлса, моддий ҳуқуқий муддатлар юқорида таъкидланганидек, низолашаётган тарафларга муайян мажбуриятлар юклайди. Масалан, фуқаронинг шаъни ва қадр-қиммати, обрўсига путур етказилганида, суд оммавий ахборот воситаларида бу маълумотлар нотўғрилиги ҳақидаги хабарни бериш муддати(ФКнинг 100-моддаси)ни белгилаши мумкин.

Ҳуқуқий оқибатига кўра муддатлар ҳуқуқни вужудга келтирувчи, ҳуқуқни ўзгартирувчи ва ҳуқуқни бекор қилувчи муддатларга бўлинади.

Ҳуқуқни вужудга келтирувчи муддатлар. Бундай муддатларнинг ўтиши натижасида фуқаролик ҳуқуқлари вужудга келади. Бунда ҳуқуқнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши аҳамиятга эга эмас. Масалан, олди-сотди шартномасига мувофиқ товарга нисбатан мулк ҳуқуқи сотувчига товар топширилиши муддати натижасида вужудга келади (ФКнинг 389-моддаси) ёки фуқаронинг белгиланган ёшга тўлиши (18 ёшга етиши) унинг ўзи учун ўз ҳаракатлари билан ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириш ва уларни амалга ошириш ҳуқуқини вужудга келтиради (ФКнинг 22-моддаси).

Фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқни вужудга келтирувчи муддатлар кўплаб учрайди. Ушбу муддатлар учун хос бўлган муҳим жихатлар, улар натижасида, оқибатида фуқаролар ёки юридик шахсларда фақатгина муайян ҳуқуқ юзага келиши лозим. Масалан, ижара шартномасига мувофиқ, ижара шартномасини тўлаш муддати ижарага берувчи ижара ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини вужудга келтиради.

Ҳуқуқни ўзгартирувчи муддатлар ўтишининг бошланиши ёки ўтиб кетиши фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини ўзгаришига олиб келади. Масалан, пудрат шартномасига мувофиқ буюртмачининг бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортиши ишни топшириш кечикиб кетишига сабаб бўлса, тайёрланган (қайта ишланган) ашёнинг тасодифан nobуд бўлиш хавфи ашё топширилиши лозим пайтдан буюртмачига ўтган деб ҳисобланади (ФКнинг

646-моддаси). Бунда ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи аввал пудратчида бўлган бўлса, белгиланган муддатнинг ўтиши натижасида бу хавф буюртмачига ўтади.

Хуқуқни ўзгартирувчи муддатлар ўз табиатига кўра шартномавий муносабатларда кенг қўлланилади ва одатда бундай муддатларнинг ўтиши натижасида шартнома тарафларининг хуқуқ ва мажбуриятлари у ёки бу даражада ўзгаради. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномасига кўра, маҳсулот белгиланган муддатдан кечиктириб етказиб берилса, сотиб олувчида мавжуд бўлган хуқуқ ўзгаради ва энди у қўшимча равишда кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % пеня ундириш хуқуқига эга бўлади (Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунининг 25-моддаси).

Хуқуқни бекор қилувчи муддатларнинг рўй бериши фуқаролик хуқуқ ва мажбуриятларининг бекор бўлишига олиб келади. Масалан, умумий мулкдаги улушни сотишда, агар қолган мулкдорлар имтиёзли сотиб олиш хуқуқидан воз кечсалар ёки бу хуқуқни хабар қилинган кундан эътиборан кўчмас мулкка нисбатан бир ой давомида, бошқа мол-мулкка нисбатан эса ўн кун давомида амалга оширмасалар, улар имтиёзли сотиб олиш хуқуқини йўқотадилар ва мулкдор ўз мулкни истаган шахсга сотиш хуқуқига эга бўлади (ФКнинг 224-моддаси).

Бундай муддатларнинг ўтиши оқибатида фуқаролик хуқуқлари бекор бўлиши қонунчиликда тўғридан-тўғри белгилаб қўйилиши мумкин. Масалан, мерос қолдирувчининг кредиторлари мерос очилган кундан эътиборан бир йил давомида ўзларининг притензияларини мерос қабул қилган ворисга ёки васиятни ижро этувчига ёки мерос очилган жойдаги давлат нотариал конторасига беришга ёхуд мерос мулки ҳисобидан ўз ҳақларини ўндириш тўғрисида судда даъво қўзғатишга ҳақли бўлади. Бу қоидаларга риоя қилмаслик кредиторларнинг ўзларига тегишли бўлган талаб қилиш хуқуқларини йўқотишларига сабаб бўлади.

Хуқуқни бекор қилувчи муддатлар муайян муносабат иштирокчиларининг фақатгина шу муносабатларига доир хуқуқлари ёки мажбуриятларини бекор қилади. Масалан, қарз шартномасида олинган қарзнинг ўз вақтида қайтарилиши, тарафларнинг қарз шартномасидан келиб чиқадиган хуқуқ ва мажбуриятларини бекор бўлишига олиб келади.

Муддатлар ўзларининг аниқланиш тавсифига кўра императив ва диспозитив, мутлоқ аниқ, қисман аниқ ва ноаниқ, умумий ва махсус ҳамда бошқа муддатларга ажратилади.

Императив муддатлар қонунда аниқ белгиланиб, тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилмайди. Масалан, даъво муддати (ФКнинг 150-моддаси), эгалик қилиш хуқуқини вужудга келтирувчи муддат (ФКнинг 187-моддаси) ва бошқа фуқаролик хуқуқларини амалга оширувчи муддатлар.

Иштирокчилар ўзгартиришлари мумкин бўлмаганлиги учун ҳам бундай муддатлар императив(қатъий, ўзгармас) ҳисобланади ва қонунда белгиланган барча муддатлар учун бу ҳол мажбурий аҳамиятга эга эмас. Фақатгина қонун

хужжатларида қатъий белгиланган ва ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига ўзгартириш имконияти берилмаган муддатларгина императив муддат ҳисобланади, ҳамда ҳуқуқий муносабат иштирокчилари бу муддатларга оғишмай амал қилишлари лозим. Масалан, уч йиллик умумий даъво муддатини тарафлар икки йилга камайтиришлари ёки тўрт йилга узайтиришлари мумкин эмас.

Диспозитив муддатлар қонунда белгиланган бўлса-да, тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин бўлади. Ҳуқуқий муносабат иштирокчилари қонунда белгиланган муддатни ўзаро келишиб, мавжуд вазият тақозосидан келиб чиқиб қисқартириш ёки узайтириш ҳуқуқига эга бўладидилар. Масалан, мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки шартнома моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши лозим (ФКнинг 242-моддаси), бироқ тарафлар ўзаро келишув асосида ижро дарҳол ёки бироз муддат ўтгач амалга оширилишини белгилашлари ҳам мумкин.

Қонун диспозитив муддатларни белгилаш асосида тарафларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишларининг ўзлари учун мақбул вақтини белгилаш имкониятини беради. Диспозитив муддатлар фуқаролик ҳуқуқидаги императив меъёрларга қараганда, диспозитив меъёрлар кенгрок қўлланилади, - қондасига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқида кўпроқ учрайди.

Мутлоқ аниқ муддатлар аниқ пайтни ёки юридик оқибат билан боғлиқ вақт оралиғини ифодалайди. Уларга календарь санаси билан ёки аниқ вақт даври билан белгиланадиган муддатлар мисол бўлиши мумкин. Масалан, ишнинг натижалари 1 майгача топширилиши лозимлиги кўрсатилган бўлса, бундай муддатлар мутлоқ аниқ муддат ҳисобланади. Ҳуқуқий оқибат билан боғлиқ муайян вақт оралиғи билан белгиланадиган муддатларга мисол бўлиб, масалан, ФКнинг 788-моддасига мувофиқ агар шартномада бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операция қилинмаган бўлса, банк ҳисобварағи шартномаси бекор қилинади.

Қисман аниқ муддатлар аниқ давр ёки вақт оралиғи билан боғлиқ бўлса-да, улар ўзларининг белгиланиши ҳолатидан келиб чиқиб мутлоқ аниқ муддатларга қараганда камроқ аниқликка эга бўлади. Масалан, маҳсулот етказиб бериш даврига оид муддатлар. Агар тарафлар товарларни шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида туркум-туркум етказиб беришни назарда тутган бўлсалар ва унда алоҳида туркумларни етказиб бериш муддатлари (етказиб бериш даврлари) белгиланмаган бўлса, товарлар ҳар ойда бир хил туркумларда етказиб берилиши лозим, башарти қонун ҳужжатларидан, мажбуриятнинг моҳиятидан ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб англашилмаса. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда қонун маҳсулот етказиб бериш даврларининг қисман аниқ муддатини белгилайди. Муддатнинг ҳар ойда деб белгиланиши бир ойда фақат бир кун ёки бир неча кун мобайнида маҳсулот етказиб бериш мумкинлигини ифодалайди. Бу ҳолат эса, бундай муддатларнинг қисман аниқлигини билдиради.

Қисман аниқ муддатлар жумласига рўй бериши муқаррар бўлган ҳодиса билан белгиланадиган муддатлар ҳам киради. Масалан, довондаги қор эриши билан юк ташиши бошланишини белгиловчи шарт ёки дарё музлари эриши билан кемаларда саёҳат қилиш мумкинлигини ифодаловчи ҳолатлар.

Ноаниқ муддатлар қонун ёки шартномада бирон-бир вақт белгиланмаган бўлса-да, лекин шу муносабатда вақт чегараси мавжудлиги билан ифодаланади. Ҳуқуқий муносабатдаги вақт чегараси гарчи тарафларнинг ҳуқуқий муносабатга киришаётган пайтларида белгиланмасада, кейинчалик тарафлардан бири томонидан белгиланиши талаб қилиниши мумкин. Масалан, ашё муддат кўрсатилмасдан текин фойдаланишга топширилганда ёки ижарага берилганда ёки доимий рента шартномасига топширилганда шартноманинг амал қилиш муддати аниқ белгиланмайди.

Умумий муддатлар умумий аҳамиятга эга бўлади ва барча субъектив фуқаролик ҳуқуқларига ва деярли бир хилдаги ҳолатларга тааллуқли бўлади. Масалан, ишончноманинг амал қилиш муддати уч йил қилиб белгиланган (ФКнинг 139-моддаси).

Махсус муддатлар умумий қоидалардан алоҳида (умумий қоидаларга мос бўлмаган ва уларга қатъий амал қилмаган ҳолда) белгиланади ва фақатгина қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда амал қилади. Махсус муддатларга мисол қилиб, нотариус томонидан тасдиқланиб Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахслар томонидан бекор қилинунча ўз кучини сақлашини келтириш мумкин.

1.3. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш муддатлари

Вақт фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларни бажаришда ўзига хос ўринга эга. Шахсларга тегишли бўлган субъектив фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ҳар доим ҳам маълум вақт билан белгиланмаса-да, лекин кўпчилик ҳолатларда бу жараён қонун ёки шартномада ўрнатиладиган маълум даврда амал қилади. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш муддатлари деганда, субъектив фуқаролик ҳуқуқи соҳибининг субъектив ҳуқуқда ифодаланган имкониятларни амалга ошириш имкониятларини амалга ошириш даврини ифодаладиган муддатлар тушунилади. Ана шу муддат давомида ҳуқуқ соҳиби субъектив ҳуқуқ асосида ўзида мавжуд бўлган имкониятларни амалга ошириши мумкин. Субъектив ҳуқуқларни тегишли муддат давомида амалга оширмаслик муддатнинг ўтиши билан бу ҳуқуқнинг йўқотилишига олиб келади.

Одатда, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш муддатлари қонун билан ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади. Лекин бу ҳолат муддатларни тарафларнинг ўзлари томонидан келишув асосида белгиланишига тўсқинлик қилмайди. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга

ошириш муддатлари давомида субъектив ҳуқуқ соҳиби ҳуқуқларини унинг ўзи амалга ошириши лозим. Баъзи ҳолатларда бундай ҳуқуқ учинчи шахслар (вакил, воситачи ва шу кабилар) томонидан амалга оширилади.

Фуқаролик ҳуқуқида фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш муддатларининг қуйидаги турлари мавжуд: фуқаролик ҳуқуқларини амалда бўлиш вақтини белгилайдиган муддатлар, чекловчи(преклюзив) муддатлар, эътироз (претензия) муддатлари, кафолат муддати, яроқлилиқ муддати, товарнинг хизмат қилиш муддати, товардан фойдаланиш, товарни сақлаш муддати ва бошқа муддатлар.

Фуқаролик ҳуқуқларини амал қилиш муддати. Субъектив фуқаролик ҳуқуқининг қанча вақтгача мавжуд бўлиш пайтини белгилайди ва бундай муддатларнинг ўтиши ҳуқуқ соҳибининг ўз ҳуқуқидан маҳрум бўлишига олиб келади. “Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш муддатларидан” “фуқаролик ҳуқуқларини амал қилиш муддатларини” - номли муддатларнинг алоҳида ўрганилишига сабаб, муддатсиз амал қиладиган фуқаролик ҳуқуқлари билан бирга, фақатгина маълум вақт даври мобайнида амал қиладиган муддатларнинг мавжуд бўлишидир.

Ўзининг ҳаракатланиши даври мобайнида субъектив фуқаролик ҳуқуқлари муддатли ва муддатсиз бўлади. Муддатсиз амал қиладиган фуқаролик ҳуқуқлари жумласига, мулк ҳуқуқи (ФКнинг 164-моддаси), муаллифлик ҳуқуқи, давлат уй-жой фонди ижарачиларининг ижара ҳуқуқи. Бундай ҳуқуқларнинг бошланиш вақти белгиланса-да, унинг тамом бўлиш вақти белгиланмайди ёки қонунчилик бу ҳуқуқнинг муддатсизлигини тўғридан-тўғри кўрсатади. Масалан, ФКнинг 164-моддаси "мулк ҳуқуқи муддатсиздир"-деган қонидани мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, амал қилиш муддати ноаниқ бўлган муддатлар ҳам мавжуд. Масалан, ижара шартномаси номуайян муддатга тузилган бўлса (ФКнинг 540-моддаси), ижарага олувчининг ашёдан фойдаланишга оид субъектив ҳуқуқи ҳам номуайян муддатгача давом этади.

Шундай субъектив фуқаролик ҳуқуқлари мавжудки, уларнинг амал қилиши муайян вақт оралиғи билан ўлчанади ва белгиланган муддатнинг тугаши ҳуқуқнинг амал қилишига барҳам беради. Масалан, ишончнома ва у асосда берилган ҳуқуқнинг амал қилиш муддати уч йил (ФКнинг 139-моддаси), селекция ютуқларига берилган патентнинг амалда бўлиш вақти 25 йил ("Селекция ютуқлари тўғрисида"ги 2002 йил 29 август қонунинг - моддаси), муаллифлик ҳуқуқи муаллиф ҳаёти ва унинг вафотидан сўнг 50 йилгача (муддатсиз амал қиладиган ҳуқуқлар(асар муаллифи, муаллифлик номи, асар дахлсизлиги, асарнинг номига бўлган ҳуқуқлар)дан ташқари) амал қилади (ФКнинг 1065-моддаси).

Субъектив фуқаролик ҳуқуқлари ҳаракатланиш даврининг муайян вақт билан чегаралаб қўйилиши шахснинг ўз ҳуқуқларига ва жамиятнинг бошқа аъзолари ҳақ-ҳуқуқларига беэътибор қарамаслигини таъминлайди. Шахсга тегишли субъектив фуқаролик ҳуқуқининг ҳаракати (амал қилиши) муайян вақт билан белгилаб қўйилганлиги унинг шу муддат ичида ўз ҳуқуқларини амалга оширишини таъминлайди. Бу эса, жамият ҳаётидаги ҳуқуқий

тенгликни ва мувозанатни вужудга келтиради. Яъни, субъектив ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ўта бошлаши билан ва муайян вақтнинг ўтиши билан бирга, субъектив ҳуқуқ соҳиби ўз ҳуқуқларини ва у билан боғлиқ ҳолатларни секин-аста ўта бориши мумкин. Натижада субъектив ҳуқуқ соҳиби ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмаслиги ҳолати юзага келиши ва бунинг оқибатида ҳуқуқий мувозанат бузилиши содир бўлади.

Чекловчи (преклюзив) муддатлар. Субъектив ҳуқуқнинг мавжудлиги (амал қилиши) муддати билан бир вақтда, ушбу муддатларга ўзининг мазмун-моҳияти билан ўхшаб кетадиган, лекин ўзига хос алоҳидаликка эга бўлган ва фуқаролик ҳуқуқи назариясида “чекловчи (пресекательные, пресклюдивные) муддатлар” - деб номланадиган муддатлар ҳам мавжуд. Бу муддатлар ҳам ҳуқуқни амалга қилиш вақтини белгиловчи муддатлар каби ҳуқуқ субъектига қатъий белгиланган вақт мобайнида ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имконини беради.

Чекловчи муддатлар ҳуқуқни амалга оширувчи муддатлардан фарк қилиб, субъектив ҳуқуқ ҳаракатини муддатидан олдин тугашини ифодалаши мумкин. Агар ҳуқуқни мавжуд бўлиш вақтини белгиловчи муддатлар субъектив ҳуқуқ мавжудлигининг нормал вақтини белгиласа, чекловчи муддатлар бу ҳуқуқларнинг амалга оширилмаслиги ёки лозим даражада амалга оширилмаслиги натижасида белгиланган пайтдан олдинроқ субъектив ҳуқуқнинг бекор бўлишини билдиради. Масалан, беш йил муддатга тузилган уй-жой ижараси шартномаси, ижарага олувчининг тўрт ойдан ортиқ муддат мобайнида бирор марта ҳам ўзи ижарага олган уй-жойга келмаслиги натижасида ижара шартномаси бекор бўлиши мумкин, агар шундай шарт тарафлар ўртасида тузилган уй-жой ижараси шартномасига киритилган бўлса, банк ҳисобварағи шартномасига мувофиқ, мижознинг ҳисобрақамида сақланаётган пул маблағлари суммаси банк қоидаларида ёки шартномада кўзда тутилган энг кам миқдордан оз бўлса, агар бундай сумма банк бу ҳақда огоҳлантирган кундан бошлаб бир ой ичида тикланмаса, банкнинг талабига кўра банк ҳисобварағи шартномаси муддатидан олдин бекор бўлади (ФКнинг 788-моддаси).

Субъектив ҳуқуқни мавжудлик (амал қилиш) вақтини белгиловчи муддатлар, шахс ўз ҳуқуқларини шу муддат мобайнида ҳеч қандай шартларсиз (муддатнинг ўзгаришига доир) амалга ошириш мумкинлигин ифода этади. Чекловчи муддатлар эса, ҳуқуқ соҳибининг белгиланган муддат давомида мавжуд шартларни бузиб ўз ҳуқуқларини амалга оширса ёки унинг тҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказса юзага келади ёхуд ана шундай ҳолатлар юзага келишини ҳисобга олиб белгиланади, ҳамда дастлабки нормал шароитда белгиланган муддатлар (ҳуқуқни амал қилиш вақтини белгиловчи муддатлар)га қараганда қисқароқ вақтни мустаҳкамлайди.

Кўпчилик олимлар субъектив ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ва чекловчи муддатларни бир-биридан ажратишмайди, бу икки хил муддатларни битта ном- чекловчи муддатлар номи билан аташади. Лекин бизнингча, чекловчи муддатлар ва фуқаролик ҳуқуқларини амал қилиш

муддатлари бир-биридан фарқ қилади ва уларни бирлаштириш ва битта ном билан аташ, илмий ва назарий жиҳатдан нотўғридир.

Баъзи олимлар бу иккала муддатларни бир-биридан фарқ қилувчи алоҳида муддатлар,-деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, субъектив ҳуқуқнинг амал қилиш муддатларидан фарқ қилиб, чекловчи муддатлар фақатгина ҳуқуқ соҳибининг ўз ҳуқуқларини лозим даражада амалга ошириши натижасида вужудга келадиган ҳуқуқларга тааллуқли бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, шуни айтиб ўтиш жоизки, чекловчи муддатлар ўзларининг амал қилиш вақти билан ҳам фуқаролик ҳуқуқларини амал қилиш муддатларидан фарқ қилади.

Гарчи чекловчи муддатлар тарафларнинг хоҳиш-иродаси билан шартномада белгиланиши мумкин бўлса-да, лекин бундай муддатлар фуқаролик қонунчилигида кўп ўчрамайди. Улар жумласига, тарих ва маданият ёдгорликларини ҳўжасизларча сақлаган мулкдорга ҳўжасизларча муносабатда бўлишни тўхтатиш ҳақида огоҳлантириш муддати (ФКнинг 190-моддаси), топилмани сақлаш муддати (ФКнинг 192-моддаси) ва қаровсиз ҳайвонларни асраш муддати (ФКнинг 195-моддаси) кабилар киради.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш муддатларининг яна бири, **бу-эътироз (претензия) муддатларидир**. Эътироз муддатлари иккинчи шахсга нисбатан ҳуқуқдор шахснинг ундан улар ўртасидаги муносабат натижасида вужудга келган келишмовчиликни бартараф этиш вақтини белгилайди. Одатда, эътироз муддатлари низога сабаб бўладиган келишмовчиликларни фуқаролик судлари ёки ҳўжалик судларига ҳал қилиш усули ҳисобланади. Бошқача айтганда, эътироз муддатлари даъво қўзғатишгача давом этади.

Фуқаролик ҳуқуқида бундай муддатларнинг мавжуд бўлиши, фуқаролик ва ҳўжалик ишларини камайтириш, процессуал харажатларни камайтириш ва бузилган фуқаролик ҳуқуқларнинг тикланишини тезлаштириш билан боғлиқ бўлади. Эътироз муддатлари тарафлар ўртасида низо бўлмаган, улар ўртасидаги муносабатда юзага келган келишмовчилик очик-ойдин кўриниб турганда ва бузилган ҳуқуқни тиклаш масаласида ўзаро келишув орқали амалга оширишилиши мумкин бўлган ҳолларда қўлланилади.

Эътироз муддати давомида ҳуқуқи бузилган шахс ҳуқуқни бузган томонга ёзма ҳужжат шаклида ўз талабларини жўнатади ва бу талабларни оқилона муддатларда бажарилиш лозимлигини баён этади. Эътироз олган томон тегишли муддат ичида эътирозда билдирилган талабларни бажарилиши натижаларини ёзма равишда эътироз билдирган томонга маълум қилиши лозим.

Умумий қоидага кўра, эътироз муддатлари қонун ҳужжатларида белгиланади ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ улар ўртасида тузилган шартномада ифодаланади. Масалан, ФКнинг 724-моддасига биноан, юк йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун транспорт устави ёки кодексида назарда тутилган тартибда талаб қўйилади ва юк ташувчи бу талаб (эътироз) га 30 кунлик муддат ичида жавоб қайтариши лозим ёки пудрат шартномасида тарафлар иш натижаси юзасидан иш қабул қилиб

олинган пайтдан бошлаб икки ойлик муддат ичида билдиришлари мумкинлигин келишиб олишлари мумкин.

Эътироз муддатлари кўпчилик ҳолларда юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда қўлланилади. И.Б.Зокировнинг фикрича, эътироз билдириш муддатлари шартномалар бўйича олинган мажбуриятлар қарздор томонидан бутунлай бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганда ташкилотларнинг бир-бирига талабларини билдириш учун белгиланган муддатлардир. Ташкилотлар ўртасидаги кўпчилик ҳуқуқий муносабатларда низоларни ҳал қилиш учун эътироз билдириш тартиби белгиланган⁸.

Баъзи ҳолларда эътироз муддатлари фуқаролар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳам қўлланилиши мумкин. Амалиётда бу ҳолат кам учраса-да, лекин фуқаролик қонун ҳужжатлари эътироз муддатлари фуқаролар ўртасидаги муносабатларда қўлланилишини таъқиқламайди. Фуқаролар билан юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда эса эътироз муддатлари татбиқ этилиши табиий ҳол ҳисобланади. Чунки фуқаролар юридик шахслар билан олди-сотди, иш бажариш ва хизмат кўрсатишга оид шартномавий муносабатларга киришишларида оммавий шартномаларда белгиланган эътироз муддатлари амал қилади.

Маълумки, эътироз қилиш ҳуқуқи бузилган шахснинг субъектив ҳуқуқи ҳисобланади ва ҳуқуқи бузилган шахс хоҳиш-иродасига биноан амалга оширилади. Лекин баъзи ҳолларда эътироз қилиш ҳуқуқи бузилган шахснинг мажбурияти ҳам ҳисобланади. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларда, шартномада белгиланган муддат мобайнида эътироз қилиниши лозим. Белгиланган муддатда эътироз билдирмаслик, фуқаролик судлари ва хўжалик судлари томонидан даъвони кўрмасдан қолдирилишига ва ишнинг қайтарилишига сабаб бўлади. Масалан, ташувчига нисбатан юк ташишдан келиб чиқадиган даъвони кўзғатишдан олдин, унга тегишли транспорт уставида ёки кодексида назарда тутилган тартибда талаб қўйилган бўлиши шарт(ФКнинг 724-моддаси 1-қисми).

Амалиётда эътирозларнинг бир неча турлари мавжуд. Бунда эътирозларнинг турларга бўлиниши қарздорнинг мажбуриятни у ёки бу даражада бажармаслигидан келиб чиқади. Эътирозлар, маҳсулот етказиб беришни кечиктирганлик ёки умуман маҳсулотни етказиб бермаганлик учун, сифатсиз ва бут бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун, шартнома шартларини бузилиши оқибатида етказилган зарарни ундириш учун ва бошқа ҳолатларда қўлланилади. Бунда эътирознинг ҳар бир тури учун алоҳида муддатлар қўлланилиши мумкин.

Умуман олганда, эътироз муддатлари амалиётда кам учраса-да, улар фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Кафолат муддати. Фуқаролик ҳуқуқида истеъмолчи ҳуқуқлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳар қандай истеъмолчи учун ўзи харид қилаётган товар, ўзига кўрсатилаётган хизмат, ўз фойдасига бажарилаётган ишда

⁸ И.Зокиров Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи -Т.:Адолат. 1996. -125 б.

камчиликлар ва нуқсонлар юзага келса уларни сотувчи, ижрочи ва пудратчи томонидан текинга бартараф этилиши, сифатлиси ва янгиси билан алмаштириб берилиши қанча вақт мобайнида амал қилишини билиши муҳимдир.

Бундай вақт даврлари фуқаролик ҳуқуқида кафолат муддатлари деб номланади. Кафолат муддати – товар (иш, хизмат)дан фойдаланишнинг (ойлар ҳисобидаги) норматив муддати ёки товар (иш, хизмат)нинг муайян вазифани(неча соатда, неча иш жараёнида, қанча километр масофони босиб ўтиб ва ҳ.к.) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижрочи), башарти товарни ишлатиш (хизматда фойдаланиш) қоидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди (Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддаси).

Ҳуқуқшунос олимлар И.Б.Зокиров ва А.П.Сергеевларнинг фикрича, кафолат муддатлари- узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)га қонун шунингдек, стандартлар, техникавий шартлар ва шартномаларда кредиторнинг маҳсулотдаги камчиликларни бартараф этишни уларни янгиси билан алмаштириб беришни талаб қилиши мумкин бўлган муддатдир⁹. Кафолат муддатлари кўпчилик ҳолатларда товарлар, ишлар, хизматларни таклиф этишнинг ўзига хос усули ҳисобланади. Истеъмолчиларни жалб этишда кафолат муддатлари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки истеъмолчи товар, иш ва хизматга сотувчи, ишлаб чиқарувчи, пудратчи ва ижрочи томонидан берилаётган, камчиликлар ва нуқсонлар қайси пайтга қадар юзага келса, текинга бартараф этилишига қараб бозордаги товар, иш ва хизматларни танлайди. Бунда ким узоқроқ муддатни белгиласа истеъмолчи айнан унинг товари, иши ва хизматини танлаши шубҳасиздир. Шу билан бирга кафолат муддатининг қанча вақтга белгиланганига қараб маҳсулотнинг сифати ва чидамлилигини аниқлаш мумкин.

Дарҳақиқат, қарздор кафолат муддати давомида юзага келиши мумкин бўлган мажбуриятларни ўз зиммасига олиши унга нисбатан қўшимча мажбурият бўлиб, бундай мажбуриятлар вужудга келмаслиги ҳам мумкин (агар шу муддат давомида товар, иш ва хизматда нуқсонлар ва камчиликлар юзага келмаса).

Кафолат муддати истеъмолчиларни товарни, ишни, хизматни кўздан кечириш, ундан фойдаланиш, сақлаш жараёнида аниқланиши мумкин бўлмаган, яширин камчиликлар натижасида вужудга келадиган зарарлар хавфидан муҳофаза қилади. Бундай муҳофаза истеъмолчи мулкый манфаатларига хизмат қилади.

⁹ И.Зокиров Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи Т. Адолат 1996. -126 б.; Гражданское право. Учеб.Т.3. т.1/Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.:Прспект.1998.-298 с.

Одатда, кафолат муддатлари аниқ календарь вақти билан белгиланади. Масалан, SONY фирмасининг телевизорлари сотилганида уч йил, ведиомагнитофон таъмирланганида олти ой ва шу кабилар.

Бундан ташқари, кафолат муддатлари бошқа усуллар билан ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, енгил автомобилнинг маълум километр йўл босиши.

Умумий қоидага кўра, маҳсулот (товар, иш, хизмат)га кафолат муддатлари, маҳсулот истеъмолчига топширилган пайтдан ўта бошлайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 404-моддасига мувофиқ, агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати товар сотиб олувчига топширилган пайтдан эътиборан ўта бошлайди. Шу билан бирга, кафолат муддатининг ўтиши бошқа ҳолатлар билан ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, истеъмолчининг товардан фойдаланишни бошлаши билан.

Агар сотиб олувчи сотувчига боғлиқ бўлган ҳолатлар тўғрисида олди-сотди шартномасида кафолат муддати белгиланган товардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлса, сотувчи тегишли ҳолатларни бартараф этмагунича кафолат муддатининг ўтиши бошланмайди (ФКнинг 404-моддаси 2-қисми). Масалан, телевизор сотиб олувчига топширилди, лекин фойдаланиш йўриқномаси топширилмагунича сотиб олувчи ундан фойдалана олмайди. Сотувчи томонидан телевизорнинг фойдаланиш йўриқномаси сотиб олувчига топширилганидан сўнггина кафолат муддати ўта бошлайди.

Тарафларнинг келишуви билан белгиланган кафолат муддати товарлар, ишлар ва хизматлардаги нуқсонларни бартараф этиш учун кетган вақт давомида узайтирилиши мумкин. Бунда кредиторнинг тегишли вақт оралиғида товардан фойдалана олмаганлиги ҳисобга олинади. Масалан, сотиб олинган музлатгичда кафолат муддати давомида камчилик аниқланди ва бу камчиликни тузатиш учун бир ой вақт сарфланди. Агар олди-сотди шартномасида музлатгич учун 18 ой кафолат муддати белгиланган бўлса, камчиликларни тузатиш учун кетган бир ой мобайнида сотиб олувчи ундан фойдалана олмаганлиги учун белгиланган 18 ойлик кафолат муддатига бир ой қўшилади ва шундан сўнг музлатгичнинг кафолат муддати 19 ойни ташкил этади.

Олди-сотди шартномаларида товардаги нуқсонларни бартараф этиш ва камчиликларни тузатиш учун ишлатилган товарнинг нуқсонли қисми билан алмаштирилган бутловчи буюмнинг кафолат муддати ҳам товар(асосий буюм)нинг кафолат муддатига тенг бўлади ва у билан бир вақтда ўта бошлайди(ФКнинг 404-моддасининг 4-қисми). Ушбу қоидадан бутловчи буюмнинг кафолат муддатига тааллуқли икки ҳолатни кўриш мумкин. Биринчидан, бутловчи буюм кафолат муддатининг қанча вақтгача давом этишини, икинчидан, бутловчи буюм кафолат муддатининг ўта бошлаш вақтини.

Биринчи ҳолатда бутловчи буюмнинг кафолат муддати у қайси товарни бутлаган бўлса шу товарнинг кафолат муддатигача давом этиши белгиланган. Масалан, кафолат муддати асосида сотилган магнитофоннинг

мотори, магнитофон сотиб олиниб икки ой фойдаланилганидан сўнг юқори кучланиш натижасида ишдан чиқди. Бу ҳақда сотиб олувчи огоҳлатирилгач, магнитофонга сотувчи ҳисобидан янги мотор қўйилди. Ушбу ҳолатда магнитофонни тузатиш учун унга қўйилган янги моторнинг кафолат муддати асосий товар магнитофоннинг кафолат муддати билан тенг бўлиши керак. Лекин мотор магнитофон кафолат муддатининг икки оyi ўтгач қўйилганини ҳисобга олсак, бутловчи буюм- моторнинг кафолат муддати қанчонгача давом этади, - деган савол туғилади. Чунки ФКнинг 404-моддасида мустаҳкамланган қоидага кўра асосий ва бутловчи буюмнинг кафолат муддати тенгдир.

Бу қоидага агар асосий буюм олти ойлик кафолат муддати билан берилган бўлса, бутловчи буюмга ҳам олти ой кафолат муддати берилади, - деб тушунмаслик лозим. Кафолат муддатининг маълум қисми ўтгандан сўнг қўйилган (алмаштирилган) бутловчи буюмнинг кафолат муддати, у асосий буюмга қачон қўйилганидан қатъий назар, асосий буюмнинг кафолат муддатига қадар давом этади ва у билан бир вақтда тамом бўлади.

Юқоридаги мисолда ифодаланган моторнинг кафолат муддатини ойлар билан ҳисоблайдиган бўлсак, бу муддат тўрт ойни ташкил этади ва магнитофон кафолат муддати билан бир вақтда тамом бўлади.

Нуқсонли ва камчиликлари мавжуд бўлган товар янгиси билан алмаштирилганида бундай алмаштириш кафолат муддатининг қанча қисми ўтганидан қатъий назар янгидан ҳисобланади. Масалан, чанг ютгич бир йиллик кафолат муддатининг ўн биринчи ойида янгиси билан алмаштирилса, унга нисбатан кафолат муддати янгидан ҳисобланади ва яна бир йил давом этади.

Кафолат муддатининг ўтказиб юборилиши истеъморчи(сотиб олувчи, буюртмачи)нинг товардаги нуқсонларни бартараф этиш, уни янгиси билан алмаштириб беришни талаб қилиш ҳуқуқининг йўқотилишига олиб келади. Истеъморчи товардаги нуқсон ва камчиликларни бартараф этишни кафолат муддати ўтганидан сўнг ҳам талаб қилиши мумкин. Бунда фақатгина, белгиланган кафолат муддати давомида товарда камчиликлар ва нуқсонлар аниқланса бўлди ва камчиликларни тузатишни ҳамда нуқсонларни бартараф этишни кафолат муддати тамом бўлганидан сўнг ҳам амалга ошириш мумкин. Масалан, икки йиллик кафолат муддатининг йигирма иккинчи ойида товарда камчиликлар аниқланди. Лекин сотиб олувчи камчиликларни бартараф этишни товар сотиб олинганидан икки йил-у икки ой ўтгач талаб қилди. Бу ҳолатда сотувчи кафолат муддати ўтиб кетган, - деб кафолат назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Чунки кафолат муддати товарнинг белгиланган муддатда камчиликларсиз ва нуқсонларсиз тайинланиш мақсадларига мувофиқ хизмат қилишини ифодалайди ва бузилган ҳуқуқларни тиклашни талаб қилиш мумкин бўлган вақтни ифодаламайди.

Кафолат муддати билан бир вақтда, фуқаролик ҳуқуқида субъектив ҳуқуқнинг амал қилиш давомида кафолат характериға эға бўлган бошқа муддатлар ҳам ҳаракат қилади. Бундай муддатлар жумласига, яроқлилиқ

муддати, товарнинг хизмат қилиш муддати, сақлаш ва бошқа муддатлар киради. Шу муносабат билан бу муддатлар алоҳида тоифага ажратилмайди ва улар адабиётларда кафолат муддатларининг турлари сифатида кўрилади. Ушбу муддатларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири бошқасидан фарқ қилувчи ҳукукий оқибатларни вужудга келтиради. Масалан, яроқлилиқ муддати ўтиб кетган товарни сотганлик учун жавобгарлик белгиланса, хизмат қилиш муддати давомида сотувчининг айби билан вужудга келган нуқсонлар учун жавобгарлик белгиланади.

Яроқлилиқ муддати одатда, фақат товарлар учун белгиланади (ишлар ва хизматлар учун эса бошқа муддатлар белгиланиши мумкин). Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, шахсга тегишли субъектив ҳуқуқларни амалга оширишда яроқлилиқ муддатларининг ўрни катта ҳисобланади. Бу муддат товарнинг белгиланган вақт оралиғи мобайнида истеъмол учун хавфсиз бўлишлигини ифодалайди.

Яроқлилиқ (сақлаш) муддати - муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин (Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 1-моддаси). Товарнинг яроқли бўлиши, деган тушунча фақатгина товар истеъмолчи учун хавфсиз бўлишини билдирмайди. Шу билан бирга товарнинг яроқлилиги унинг белгиланган сифат ва стандартлар талабларига жавоб бериши, тайинланиш мақсадига кўра фойдаланиш имкони бўлишлиги билан изоҳланади. Бунда товарнинг белгиланган муддат давомида юқоридаги талабларга жавоб бермаслиги, сотувчининг жавобгарлигига олиб келади, яроқлилиқ муддати ўтгач эса, сотувчи (ишлаб чиқарувчи) жавобгарликдан озод этилади.

Одатда, яроқлилиқ муддати озиқ-овқат маҳсулотларига, парфюмерия-косметика товарларига, дори-дармонлар ва маиший кимё маҳсулотларига ва бошқа товарларга нисбатан қўлланилади. Яроқлилиқ муддати жорий қилинадиган товарлар учун битта умумий қоида мавжуд, яъни, вақт ўтиши билан истеъмол хусусияти ёмонлашиб борадиган товарларга яроқлилиқ муддати қўлланилади. Масалан, ёғ, туз, турли ичимликлар вақт ўтган сари ўзининг сифати ва истеъмол хусусиятини пасайтириб боради. Зеро, улар инсоннинг табиий эҳтиёжларини қондиришга қаратилади. Умуман олганда яроқлилиқ муддати фақатгина инсон табиий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва бевосита инсон танаси учун (масалан, парфюмерия-косметика, дори-дармонлар) ишлатиш мўлжалланган товарларга татбиқ этилади. Бундай талабларга жавоб бермайдиган товарларга нисбатан кафолат муддатлари жорий қилиниши мумкин, лекин яроқлилиқ муддати жорий этилмайди.

ФКнинг 405-моддасига мувофиқ, қонун ҳужжатларида, шу жумладан давлат стандартларида товар ўз вазифаси бўйича фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган деб ҳисобланадиган вақт (яроқлилиқ муддати) белгиланади. Ушбу нормадан кўриниб турибдики, яроқлилиқ муддати қонун ҳужжатлари билан, қолаверса давлат стандартлари билан белгиланади. Бунда, сотувчи яроқлилиқ муддати белгиланган товарни сотиб олувчига шундай мўлжал билан топшириши керакки, токи ундан яроқлилиқ муддати

тугагунга қадар ўз вазифасига кўра фойдаланиш мумкин бўлсин¹⁰. Зеро, ҳар қандай товар ҳам маълум вақт ўтгач истеъмол учун яроқсиз ҳолатга келиши табиий ҳол албатта. Шу муносабат билан яроқлилиқ муддати товарни истеъмол қилиш мумкинлигини ва товарнинг инсон саломатлиги учун хавфсизлигини белгилайди.

Яроқлилиқ муддати ишлаб чиқарувчи(сотувчи)нинг тегишли давр мобайнида ўзи ишлаб чиқарган(сотган) товари белгиланган мақсадлар учун фойдаланиш мумкинлиги ва бундай фойдаланиш истеъмол учун ҳеч қандай хавф туғдирмаслиги тўғрисидаги қафолати ҳисобланади. Бу муддат давомида товар ўзининг тайинланиш мақсадига кўра фойдаланишга ва истеъмолга яроқсиз бўлса, бунинг учун ишлаб чиқарувчи(сотувчи) қонун ҳужжатлари ва шартномаларда белгиланган доирада жавобгар бўлади.

Яроқлилиқ муддати кўрсатилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва ва бошқа шу каби товарлар сотилиши, қонун ҳужжатлари билан таъқиқланади. Чунки яроқлилиқ муддати товарнинг истеъмол учун хавфсизлигини билдириши туфайли, бу ҳолатда истеъмолчи (харидор) товар ўзи учун хавфсиз эканлигини аниқлай олмайди. Бу эса истемолчи ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланади.

Умумий қоидага кўра, барча озиқ-овқат маҳсулотларига қафолат муддатлари кўрсатилиши мажбурийдир. Лекин озиқ-овқат маҳсулотларининг барчаси ҳам қадоқланиб ёки махсус идишларда сотилмаслигини ҳисобга олиб, уларнинг яроқлилиқ муддатини аниқлашда истеъмолчи сотувчидан яроқлилиқ муддати акс эттирилган ёзувни (сифат сертификатини) кўрсатишни талаб қилиши мумкин бўлади.

Товарнинг яроқлилиқ муддати товар тайёрланган кундан бошлаб фойдаланиш учун яроқли бўлган давр билан ёки товар фойдаланиш учун яроқли бўлиб турадиган сана билан белгиланади (ФКнинг 406-моддаси). Бу қоида яроқлилиқ муддатининг қафолат муддатидан фарқли томонларини ифода этади. Агар қафолат муддати товар истеъмолчига топширилган ёки у товардан фойдаланиш имконига эга бўлган пайтдан бошланса, яроқлилиқ муддати товар сотиб олувчига қачон топширилганидан қатъий назар, товар ишлаб чиқарилган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Яроқлилиқ муддатлари тўғридан-тўғридан товарнинг ўзида (идишда, ғилофда ёки унинг сифат сертификатида) ёзиб қўйилса, қафолат муддати эса сотувчи (ишлаб чиқарувчи, пудратчи, ижрочи) билан харидор (буюртмачи) ўртасидаги алоҳида келишув тартибида белгиланади.

Яроқлилиқ муддати муайян давр ва аниқ сана билан белгилаб қўйилади. Масалан, балиқ консерваси ишлаб чиқилган пайтдан бошлаб икки йилгача истеъмол учун яроқли ҳисобланади ёки ўсимлик ёғи идишининг қопқоғида у ишлаб чиқилган сана (масалан, 12.02.02 яъни 2002 йил 12 феврал) ва ундан қайси санагача (12.02.03 яъни 2003 йил 12 февралгача) фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилади.

¹⁰ Раҳмонкулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси.1998.2-Т(1).47-6.

Одатда, ўзбек тилида ёзилган яроқлилик муддатини ифодаловчи ёзувлар тегишли санадан муайян санагача,- тарзида баён қилинади. Яъни, 1.03.02. дан дейилганда, товар яроқлилик муддати айнан 2002 йил 1 мартдан бошланганлигини билдиради. 1.09.02.гача дейилса, яроқлилик муддати 1 сентябр куни эмас, 31 август куни тамом бўлиши тушунилиши керак ва 1 сентябр куни истеъмол қилиниши натижасида фуқарога зарар етказилса ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат вужудга келмайди.

Яроқлилик муддатини ишлаб чиқарувчининг ўзи ўз имкониятларидан келиб чиқиб белгиламайди. Шунингдек бу муддатлар тарафларнинг келишуви билан ҳам белгиланиши мумкин эмас. Товарнинг яроқлилик муддати қонун ҳужжатларида ёки тегишли стандартларда мустаҳкамлаб қўйилади. Ана шу стандартларда қайси товарнинг яроқлилик муддати қанча вақтгача давом этиши ёзиб қўйилади ва ишлаб чиқарилган маҳсулот белгиланган талабларга мос келса(тегишли текширув ва экспертизадан сўнг) стандартдаги мавжуд яроқлилик муддати товарнинг идишига ёзиб қўйилади. Бунда албатта шу муддат давомида товарнинг яроқли бўлишлигига стандартлар асосида товарга яроқлилик муддати белгиланган давлат органлари, ишлаб чиқарувчи ва сотувчи жавобгар бўлади.

Товарнинг яроқлилик ҳолати биринчи навбатда техник саволлар асосида аниқланади. Бунда яроқлилик муддати белгиланаётган товарнинг табиий, кимёвий ва бошқа хусусиятлари ўрганилади ва шу асосида хулоса чиқарилади.

Умумий қоидага кўра, сотувчининг яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки бу муддат ўтиб кетган товарларни қабул қилиши ва сотиши ман этилади (Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 11-моддаси).

ФКнинг 1019-моддасига мувофиқ белгиланган яроқлилик муддатлари оқибатида товардаги нуқсонлар натижасида етказилган зарар қопланиши лозим. масалан яроқлилик муддати давомида истеъмол қилинган ўсимлик ёғи истеъмолчининг соғлигига зарар етказилишига сабаб бўлди. Бунда сотувчи истеъмолчининг соғлиғини тиклаши учун кетган харажатларни қоплаши ва нуқсонли товарни мақбул сифатли товарга алмаштириб бериши ёки уни ҳаққини қайтариши лозим бўлади.

Яроқлилик муддатига қўшимча равишда фуқаролик қонун ҳужжатлари шу муддат давомида товар нуқсонлари аниқланганда уни сифатли товарга алмаштириши етти кун муддат ичида амалга оширилишини белгилайди. Шу билан бирга агар товар сифатини текшириш зарурати юзага келса, бундай алмаштириш йигирма кунлик муддат ичида амалга оширилиши лозим. Чўл ва олис жойларда товар вақти-вақти билан олиб бориладиган бошқа жойларда истеъмолчининг бундай талаби ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериши учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши керак. Ана шу муддатларнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи) нафақат яроқлилик муддати давомида товардаги нуқсонлар учун жавобгар бўлади, шу билан бирга, у истеъмолчининг яроқлилик муддати тугаганидан кейин зарур бўлган ҳаракатларни қилиши тўғрисида ва кўрсатилган ҳаракатларни бажармаган тақдирда келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида огоҳлантирмаган бўлса ҳам, бунинг натижасида вужудга келган зарар учун жавобгар бўлади.

Яроқлилик муддати билан бирга, фуқаролик ҳуқуқида шундай муддатлар ҳам борки, бунда ишлаб чиқарувчи белгиланган вақт оралиғи мобайнида сотиб олувчи (харидор, истеъмолчи) нинг товардан тайинланиш мақсадига кўра фойдаланиш имкониятини таъминлаши ва ўз айби билан вужудга келган товардаги нуқсонларни бартараф қилиш мажбуриятини олади. Бундай муддатлар товарнинг хизмат қилиш муддати,- деб аталади.

Ҳар қандай товар ёки иш натижасидан фойдаланиш муддати муайян мезонлар билан белгилаб қўйилган. **Хизмат муддати** - товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач товарнинг техник ҳолатидан қатъий назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим. Товарнинг хизмат қилиш муддатлари одатда узок муддат фойдаланишга мўлжалланган товарга нисбатан татбиқ этилади ва қанча вақтгача товардан фойдаланиш мумкинлигини англатади. Тегишли муддат ўтгач эса товарнинг техник ҳолатидан қатъий назар товардан фойдаланмаслик лозим бўлади. Масалан, телевизорнинг хизмат қилиш муддати 20 йил қилиб белгиланган бўлса, бу муддатнинг ўтиши билан истеъмолчи телевизордан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Акс ҳолда юзага келган зарар учун ишлаб чиқарувчи ва сотувчи жавобгар бўлмайди.

Товарнинг хизмат қилиш муддати товарнинг яроқлилик муддатида тайинланиши (белгиланиши) га кўра ҳам фарқ қилади. Одатда яроқлилик муддати меъёрий- техник ҳужжатлар билан белгиланса, хизмат қилиш муддати ишлаб чиқарувчининг ўзи томонидан ёки ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги келишув билан белгиланади. Бунда ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқарган товарнинг сифати, чидамлилиги, бардошлилиги ва бошқа жиҳатларига асосланиб, ундан қанча вақтгача фойдаланиш мумкинлигини аниқлайди. Товарнинг хизмат қилиш муддати товар истеъмолчига топширилган пайтдан бошлаб, агар бундай пайтни аниқлашнинг имкони бўлмаса, товар ишлаб чиқарилган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланганидан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқаришдан олаб ташланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотига етказиб

бериши шарт (Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 11-моддаси).

Ушбу қоидада белгиланган ҳолатлардан келиб чиқиб, товарнинг хизмат қилиш муддати мобайнида ишлаб чиқарувчининг зиммасида қуйидаги мажбуриятлар борлигини кўрсатиш мумкин:

- товардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;
- товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиш;
- ўзи ишлаб чиқарган товарга етарли ҳажмда ва турдаги эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериш.

Товарнинг хизмат қилиш муддати мобайнида ишлаб чиқарилган товардан фойдаланиш имкониятини таъминлаши, ишлаб чиқарувчининг истеъмолчига товар тўғрисидаги тегишли маълумотларни бериши, товар фойдаланиш учун зарур бўлган мансуб ашё ва ҳужжатларнинг топширилиши, зарур (истеъмолчи мурожаат қилган) ҳолларда товардан фойдаланиш жараёни тўғри амалга оширилаётганлиги ёки йўқлигини тушунтириб бериши лозим.

Ҳар қандай ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқараётган товарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишни ташкил этиши лозим. Бундай нормани белгилаш орқали қонун чиқарувчи истеъмолчи ҳуқуқларини товарнинг хизмат қилиш муддати мобайнида кафолатлашни назарда тутди. Агар ишлаб чиқарувчида техник хизмат кўрсатиш масаласига оид шундай мажбурият бўлмаса унинг товарга нисбатан белгиланган хизмат қилиш муддати мобайнида истеъмолчи товардан фойдаланиш имкониятини йўқотиши мумкин. Айнан шундай ҳолатнинг мавжудлиги, республикамизга кириб келаётган хорижий товарларга нисбатан ёки янги ишлаб чиқарилаётган товарларга нисбатан бир қанча таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш марказларини вужудга келишига сабаб бўлди. Масалан, ДЭУ маркази, ВАЗ автомобилларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ва ҳоказолар.

Ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқарган товарлар учун етарли ҳажмда ва турдаги эҳтиёт қисмларини ҳам ишлаб чиқариши ёки ана шундай ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши лозим. Эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни ишлаб чиқарувчининг ўзи ҳам ёки у томонидан ташкил этилган бошқа шахслар ҳам амалга ошириши мумкин. Эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш билан бирга ишлаб чиқарувчи уларни савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб туриши керак.

Юқорида санаб ўтилган ишлаб чиқарувчининг мажбуриятлари ўн йил муддат давомида амал қилади ва бу муддатнинг ўтиши мажбуриятларнинг бекор бўлишига олиб келади. Ушбу муддат ишлаб чиқарувчи товарни ишлаб чиқаришни тўхтатган кундан бошлаб ҳисобланади.

Товарнинг хизмат қилиш муддати одатда, узоқ муддат фойдаланиладиган ва истеъмол қилинадиган (қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган ва бунда ўзининг дастлабки ҳолатини узоқ вақт сақлаб

қоладиган ҳамда аста-секин емирилиб борадиган) ашёларга қўлланилади. Бундай ашёлар жумласига ускуналар, транспорт воситалари, радио, телевизор ва шунга ўхшаш товарлар киради.

Хизмат қилиш муддати тамом бўлгач, истеъмолчи (харидор) ўзининг мулки бўлган товарни ташлаб юбориши, ундан воз кечиши, йўқ қилиб юбориши шарт ҳисобланмайди, аксинча, истеъмолчи товардан фойдаланишда давом этиши мумкин. Бундай фойдаланиш унга нисбатан ҳеч қандай жавобгарликни вужудга келтирмайди. Айниқса, бундай ҳолат автомобиллардан фойдаланишда яққол кўзга ташланади. Ҳозирда бундан ярим аср олдин ишлаб чиқарилган ёки ундан ҳам кўп вақт мобайнида фойдаланилиб келинаётган автомашиналар мавжуд ва автомобил эгаларига хизмат қилиш муддати тамом бўлган автомашинадан фойдаланганлиги учун ҳеч қандай мажбурият юкланмайди. Зеро, хизмат қилиш муддати тамом бўлган товар сотиб олган шахс унга нисбатан ҳуқуқларини йўқотади, -деган қоида мавжуд эмас. Қолаверса, Фуқаролик кодексининг 164-моддаси мулк ҳуқуқининг муддатсизлигини мустаҳкамлайди.

Кўпчилик иқтисодий ривожланган давлатларда (масалан, АҚШ, Францияда) хизмат қилиш муддати тамом бўлган товарлар ишлаб чиқарувчи томонидан қайта сотиб олиниши ёки баҳодаги тегишли фарқ тўланиб, янгиси билан алмаштириб берилиши ҳолатлари мавжуд. Масалан, *Reno* компанияси хизмат қилиш муддати тамом бўлган автомобилларни қайта сотиб олади ва улардан хом ашё сифатида фойдаланади. Бу билан ишлаб чиқарувчи ҳам бозордаги ўз мавқеини сақлаб қолади ҳам иқтисодий фойда кўради. Бунда истеъмолчининг манфаатлари ҳам ҳисобга олинади.

Хизмат қилиш муддати истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолати сифатида фуқаролик ҳуқуқидаги муддатларнинг бир тури сифатида ҳар доим муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда кафолат муддатларига яқин бўлган, лекин ўзининг аҳамияти билан фарқ қилувчи яна бир қатор муддатлар борки, улар жумласига сақлаш, савдони амалга ошириш, синов, мослаштириш (обкатка) муддатлари киради.

Сақлаш муддати, одатда, мажбурият томонларидан бирининг мол-мулки иккинчисининг қўлида бўлган ҳолатда биринчи томон ўз мажбуриятини бажармаса иккинчи томон уни то мажбурият бажарилмагунича ўзида сақлаб (ушлаб) туришга ҳақли бўлган ҳолатларда қўлланилади. Масалан, ФКнинг 895-моддасига мувофиқ, юк топширувчи ашёларни қайтариб олишдан бош тортган тақдирда ломбард уларни уч ой мобайнида сақлаб туриши шарт. Ана шу уч ой муддат ичида юк топширувчи сақлаш ҳақини тўлаб ашёни қайтариб олиши, яъни фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириши мумкин.

Мажбуриятларни бажариш муддатлари. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш муддатлари билан бирга фуқаролик ҳуқуқида у билан узвий боғлиқ бўлган фуқаролик мажбуриятларини бажариш муддатлари ҳам мавжуд. Ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда вақт муҳим аҳамиятга эга бўлганидек, мажбуриятларни бажаришда ҳам вақт алоҳида

ўринни эгаллайди. Зеро, субъектга тегишли ҳуқуқ билан бир вақтда шу ҳуқуқ билан ёнма-ён мажбурият ҳам мавжуд бўлади. Бир шахснинг ҳуқуқини амалга ошириш муддати иккинчи шахснинг мажбуриятни бажариш муддати ҳисобланади. Масалан, қарз шартномасига мувофиқ, 1 май куни олинган қарз 3 ой ўтгач, яъни 1 августда қайтарилиши бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқни амалга ошириш муддатини, ҳам мажбуриятни бажариш муддатини ифодалайди.

Мажбуриятларни бажариш муддатлари ҳуқуқни амалга ошириш муддатларидан субъектлар ҳатти-ҳаракатининг мазмуни билан фарқ қилади. Яъни, ҳуқуқни амалга ошириш муддатида ҳуқуқ субъектлари ўз ҳуқуқларини амалга оширишга ҳаракат қилсалар ва бу ҳаракат талаб, мурожаат, ваколатдан иборат бўлса, мажбуриятни бажариш муддатида эса зиммасида мажбурият бор томон, яъни қарздор ўзи учун эмас балки кредитор (ўзига нисбатан ҳуқуқи бор шахс) фойдасига ҳаракатни амалга оширади ёки ҳаракатдан тийилиб туради ва бу ҳатти-ҳаракат зарурийликка, иложсизликка, мажбурийликка асосланади. Мажбуриятларни бажариш муддати давомида қарздор бирон-бир ҳаракатни амалга ошириши ёки амалга оширишдан тийилиб туриши лозим бўлади. Бу муддатлар қонун ҳужжатлари, маъмурий ҳужжатлар ва шартномалар билан белгиланади. Масалан, ФКнинг 242-моддасига кўра, агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидананглашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт.

Фукаролик ҳуқуқида мажбуриятларни бажариш муддатлари- умумий ва хусусий(оралиқ) муддатларга бўлинади. Бунда умумий муддат мажбуриятлар бажарилишининг бутун даврини қамраб олса, хусусий муддатлар мажбуриятни бажаришнинг аниқ вақтини белгилайди. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ, тарафлар бутун йил бўйи маҳсулот етказиб беришга келишишлари мумкин. Шу билан бирга умумий муддат доирасида тарафлар мажбуриятларни бажариш хусусий(оралиқ) муддатларни ҳам белгилаб олишларига имкон берилади. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси 1 йилга тузилди(ФКнинг 438-моддаси) дейлик, шу бир йил ичида маҳсулотни туркум-туркум қилиб етказиб бериш муддатлари ҳам белгиланиши лозим ва ФКнинг 440-моддасига мувофиқ, бу оралиқ муддат(маҳсулот етказиб бериш давлари) 1 ой қилиб белгиланган. қолаверса, ушбу моддада шартномада маҳсулот етказиб бериш давларини белгилаш билан бир қаторда товарларни етказиб бериш(ўн кунлик, суткалик, соатлик ва ҳоказо) жадвали ҳам белгиланиши мумкинлиги таъкидланади. Шунингдек, бундай муддатлар пудрат шартномаларида ҳам учрайди. ФКнинг 635-моддасига мувофиқ, пудрат шартномасида ишни бажаришнинг бошланғич ва охириги муддатлари кўрсатилади. Бошланғич ва охириги муддатлар мажбуриятларни бажаришнинг умумий муддатлари ҳисобланади,

хусусий муддатлар эса, тарафлар ўртасидаги келишувга мувофиқ, шартномада ишнинг айрим босқичларини тугаллаш муддатлари(оралиқ муддатлар) ҳам назарда тутилиши мумкин. Бунда, қарздор томонидан мажбуриятларни лозим даражада бажарилиши нафақат бошланғич ва охири муддатда, балки оралиқ муддатларда ҳам талаб қилинади.

1.4. Муддатларни ҳисоблаш асослари ва тартиби

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қўлланиладиган муддатлар фуқаролик қонун ҳужжатлари билан белгиланган асосларда тайинланади. Фуқаролик қонунчилиги қонун ҳужжатлари ёки битим билан, шунингдек суд томонидан тайинланадиган муддатларни ажратиб кўрсатади (ФКнинг 145-моддаси). Ана шу муддатларнинг барчаси маълум бир аниқ вақт, сана ёки муайян вақт оралиғи билан ҳисобланади. Шу билан бирга, муддатларни ҳисоблаш юз бериши лозим бўлган воқеа асосида ҳам амалга оширилади.

ФКнинг 145-моддасига мувофиқ муддатлар аниқ календар сана (масалан, 2002 йил 3 ноябрда ёки 2002 йил 3 ноябрдан ёхуд 2003 йил 3 майгача) билан, вақт даврлари: йиллар (масалан, уй-жой беш йил ижарага берилиши мумкин), ойлар (масалан, пудрат шартномасига кўра, пудратчи олти ой ичида ишнинг натижасини топшириши лозим), ҳафталар (масалан, фуқаро билан беш ҳафта мобайнида сут етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилиши мумкин), кунлар (фуқаро билан беш кун меҳмонхонада туриш тўғрисида шартнома тузилади), соатлар (масалан, катамаран бир соатга прокатга берилади) билан белгиланади.

Шу билан бирга, муддат муқаррар юз бериши керак бўлган воқеани кўрсатиш билан ҳам белгиланиши мумкин (масалан, умрбод рента шартномасининг муддати рента олувчи ёки у кўрсатган шахс ҳаёт бўлган давргача тузилади). Муқаррар юз бериши керак бўлган воқеа билан белгиланадиган муддатлар шартномалар, битимларда фойдаланиладиган ҳодисалардан фарқ қилиб, бунда фуқаролик-ҳуқуқий муносабати иштирокчилари воқеа рўй беришининг аниқ вақтини билмайдилар. Масалан, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасининг муддати бошқа шахсга берувчи вафотига қадар давом этади. Гарчи бошқа шахсга берувчи фуқаронинг вафот этиши муқаррар юз бериши керак бўлган воқеа ҳисобланса-да, унинг қачон рўй бериши аниқ бўлмайди.

Муддатлар белгиланиши ва ҳисобланишига кўра икки турга бўлинади: ўрнатилган вақт даврлари (йиллар, ойлар, ҳафталар ва шунга ўхшаш) билан белгиланадиган муддатлар ва аниқ пайт (тўловни амалга ошириш куни, ишнинг бажаришнинг аниқ санаси) билан белгиланадиган муддатлар. Одатда, аниқ пайт билан белгиланадиган муддатлар вақт оралиғи билан белгиланадиган муддатлар каби ўтиши бошланмайди, фақатгина белгиланган пайтдагина унинг ўтиши бошланади. Ва уларни бошланиш вақтини аниқлаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Шу билан бирга ҳисоблаш қийинчилик туғдирмайдиган ҳолатлардан яна бири бошланиши ва тамом бўлиши аниқ

календар сана билан белгиланадиган муддатлар (масалан, телевизорни 1 июндан 1 октябргача прокатга олиш) ёки соатлар билан ҳисобланадиган муддатлар (бу муддатлар шартномада белгиланган пайтдан бошланади ва соатлар билан ҳисобланади. Масалан, қайиқ прокатга берилган пайтдан бошлаб соатлар билан ҳисобланади) ёхуд кунлар билан ҳисобланадиган муддатлар. Бунда тегишли ҳуқуқий муносабат шартларига кўра ҳамма кунлар, шу жумладан муддатлар бошланишининг биринчи куни ҳам ҳисобланиши лозим. Масалан, фотоаппарат душанба куни беш кунга прокатга берилди ва агар тўлов ҳамма кун учун, шунингдек фотоаппарат берилган кун учун амалга оширилса муддат чоршанба куни тамом бўлади.

Бу муддатларни ҳисоблаш вақт оралиғи ҳисобланишини назарда тутмайдиган ҳолларда муддатнинг биринчи куни ҳам йиллар, ойлар, ҳафталар ва ҳатто кунлар билан белгиланганда қийинчилик туғдиради.

Фуқаролик кодекси ана шундай муддатларни ҳисоблашнинг тегишли қоидаларини мустаҳкамлайди. ФКнинг 146-моддаси умумий қоида тарзида вақт даври билан белгиланган муддат календар санадан кейинги ёки унинг бошланиш куни деб белгиланган воқеа юз берганидан кейинги кундан ўта бошланиши белгилайди. Масалан, пудрат шартномасига мувофиқ ишнинг натижасини қабул қилиш учун беш кунлик муддат белгиланган бўлса, бу муддат иш бажарилиши тўғрисида буюртмачи огоҳлантирилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади. Бунда ишнинг натижаларини қабул қилиб олиш тўғрисида буюртмачи 17 май куни огоҳлантирилса, муддатнинг ўтиши 18 майдан бошланади ва 22 май куни тамом бўлади. Ушбу қоида муддатларни ҳисоблашнинг аниқ тартибини белгилаб беради. Унинг аҳамияти шундаки, календар бўйича йилнинг бошланиши ва тамом бўлиши белгиланган вақтга мос келмаслиги мумкин, яъни 1 январ ва 31 декабр. Айнан шу ҳолат ойлар ва ҳафталар билан ҳисобланадиган муддатларга ҳам тааллуқлидир. Бундай ҳолатда йиллар, ойлар ва ҳафталар билан ҳисобланадиган муддатларга бошланиши ва тамом бўлиши тарафлар учун мақбул бўлмаган кунга тўғри келиши бу эса ўз навбатида муддатнинг охири кунини аниқлашда қийинчилик туғдирарди. Масалан, ижара шартномаси 12 феврал куни тузилди ва велосипед уч ойлик муддатга ижарага берилди. Агар ФКнинг 146-моддаси мавжуд бўлмаганида эди бу муддатнинг бошланиши ва тамом бўлишини аниқлаш қийинчилик туғдирарди. Бундай муддатнинг бошланиши 1 феврал деб ҳис, 1 март деб ҳам ҳисобланиши, унинг тамом бўлиши эса, 30 апрел деб ёки 31 май деб ҳисобланиши мумкин бўларди. ФКнинг 146-моддаси қоидаларига мувофиқ эса, белгиланган уч ойлик муддат календар санасидан кейинги кундан яъни, 13 февралдан ўта бошлайди ва 13 май куни тамом бўлади.

Вақт даври билан белгиланган муддатнинг тамом бўлиш пайтини аниқлаш ҳам фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. ФКнинг 147-моддасига мувофиқ, йиллар билан ҳисобланадиган муддат унинг охири йилидаги тегишли ой ва кунда тамом бўлади. Масалан, уч йиллик умумий даъво муддати 2000 йил 21 февралда бошланган бўлса, 2003 йил 21 февралда тамом бўлади. Агар муддат кабиса йилининг сўнгги

куни 29 февралда бошланган бўлса, унда муддат тегишли йилнинг тегишли ойининг сўнгги кунида яъни 28 февралда тамом бўлади.

Ярим йил деб белгиланган муддатга нисбатан ойлар билан ҳисобланадиган муддатлар учун белгиланган қоидалар қўлланилади (ФКнинг 147-моддаси, 2-қисми). Бунда ярим йил сифатида олтинчи ойнинг сўнгги куни муддат тамом бўлиш пайти ҳисобланади. Масалан, 3 май куни бошланган ярим йиллик муддат 3 октябр куни тамом бўлади.

Йил чораклари билан ҳисобланадиган муддатга нисбатан ойлар билан ҳисобланадиган муддатлар учун белгиланган қоидалар тадбиқ этилади. Бу ҳолатда йил чораги уч ойга тенг деб ҳисобланади, йил чорагининг ҳисоби эса, йил бошидан юритилади. Масалан, ФКнинг 520-моддасига мувофиқ доимий рента йилнинг ҳар бир чораги тугаши билан тўланади. Агар рента тўлаш 2003 йил бошланган бўлса, доимий рента 2003 йил 31 март куни ёки ФКнинг 520-моддаси талабларига кўра 31 мартдан кейинги куни 1 апрелда тўланиши лозим.

Ойлар билан ҳисобланадиган муддат шу муддатнинг охири ойдаги тегишли кунида тугайди. Масалан, 15 майда бошланган 2 ойлик муддат 15 июлда тамом бўлади. Агар тегишли муддатда тегишли кун мавжуд бўлмаса, унда шу ойнинг сўнгги куни муддатнинг тамом бўлиш куни ҳисобланади. Масалан, 31 май куни бошланган муддат қоида бўйича 31 июнда тугаши лозим. Лекин июн ойининг 31 санаси мавжуд эмас. Шу муносабат билан бу муддат 30 июн куни тамом бўлади. Ярим ой деб белгиланган муддатга кунлар билан ҳисобланадиган муддат деб қаралади ва бу муддат 15 кунга тенг бўлади.

Ҳафталар билан ўлчанадиган муддат шу муддатнинг охири ҳафтасидаги тегишли кунда тугайди. Масалан, икки ҳафталик муддат ҳафтанинг чоршанба куни бошланган бўлса, ушбу муддат ўта бошлаганидан сўнг, иккинчи чоршанбада тамом бўлади ва бунда аниқ саналарга қараганда ҳафта кунлари муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қоидалар фақатгина битта ҳолатда - муддатнинг охири куни иш куни ҳисобланмаган кунга (байрам, дам олиш ёки шу муассаса учун иш куни бўлмаган кунга) тўғри келиб қолса, ўзгартирилади. Бунда муддатнинг тамом бўлиш вақти дам олиш кунининг эртасидаги иш куни ҳисобланади. Бу қоида ФКда ўз ифодасини топмаган бўлсада, лекин фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари амалиётида кенг қўлланилади ва назаримизда ФКга ана шундай махсус қоида киритилиши лозим.

Муддатларни ҳисоблашдаги айниқса, уларни тамом бўлишидаги яна бир муҳим ҳолат шундаки, агар рус тилида ёзилган ҳужжатларда охири муддат масалан, "до 5-го января" деб ёзилган бўлса, 5 январ куни ҳисобга ўтмайди, агар "по 5-ое января" деб ёзилган бўлса, бу кун ҳисобга олинади¹¹. Муддатнинг ўтиши фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг вужудга келишига, ўзгаришига ва тамом бўлишига таъсир кўрсатади. Бунда ваколатли шахснинг ёки қарздорнинг бирор бир ҳаракатнинг амалга ошириши ёки оширмаслиги

¹¹ Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. -Т.: Адолат. 1996. -127 б.

аҳамиятга эга эмас. Чунки, муддатнинг ўтиши билан юридик оқибат ўз-ўзидан келиб чиқади. Кўпчилик ҳолатларда муддатлар тегишли ҳатти-ҳаракатни, ҳуқуқ ёки мажбуриятни белгилаш мақсадида амалга оширишга қаратилади (масалан, меросни қабул қилиб олиш муддати, қарзни қайтариш муддати, ижарага берилган мулкни қайтариб олиш муддати ва ҳ.к.).

Бундай ҳолатларда нафақат муддатнинг охири куни, балки тегишли кунда амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатни бажариш вақти ҳам кўрсатилиши керак бўлади (ФКнинг 148-моддаси). Бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш учун тайинланган муддатларда бу ҳаракат муддатнинг охири кунидаги соат 24.00 га қадар бажарилиши мумкин ва белгиланган 24 соат ичида амалга оширилган ҳатти-ҳаракат юридик оқибат туғдиради. Масалан, қарзнинг тўланиши мажбуриятни ўз вақтида бажариш ҳисобланади, меросга амалда эгалик қилишни бошлаш - меросни қабул қилиш деб, даъво муддатининг сўнгги кунида бузилган ҳуқуқни талаб қилиш ҳуқуқ йўқотилишини олдини олиш деб ҳисобланади.

Агар бу ҳаракат ташкилотда амалга оширилиши керак бўлса, у ҳолда муддат белгиланган қоидаларга мувофиқ ушбу ташкилотда тегишли операциялар тўхтатилган соатда тамом бўлади. Масалан, нотариал идоранинг депозитига кундузги соат 13.00 гача пул топширилиши белгиланган бўлса, у ҳолда шу муддатгача ҳаракат амалга оширилиши лозим бўлади. Агар бундай қоида ўрнатилмаган бўлса, унда нотариал идоранинг расмий белгиланган иш вақтининг тамом бўлиши охири муддат ҳисобланади.

Муддатнинг охири кунида соат 24.00 га қадар алоқа ташкилотига топширилган ёки бошқа алоқа воситалари билан юборилган барча ёзма баёнот ва хабарлар, пул ўтказмалари муддатида қилинган ҳисобланади. Масалан, сифатсиз маҳсулот етказиб берганлик учун эътироз (притензия) жўнатиш ёки пудратчининг иш бажарилганлиги тўғрисидаги хабарни жўнатганлиги ҳаракат ўз вақтида амалга оширилганлигини билдиради.

Умуман, муддатларни ҳисоблаш қоидаларининг мавжудлиги ва уларни муайян изчиллик асосида берилиши, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширишда, мажбуриятларни ўз вақтида бажаришни таъминлашда, фуқаролар ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда аҳамиятли ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқининг ҳар бир субъекти ўзининг субъектив фуқаролик ҳуқуқини амалга оширар экан, биринчи навбатда ҳуқуқий муносабатда ўзи билан бирга иштирок этаётган иккинчи тараф, амалга оширилиши лозим бўлган ҳатти-ҳаракатлар юзасидан вақт даврларини белгилашни талаб этади. Масалан, ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг асосий шартларидан бири бу унинг муддати ҳисобланади. Муддатнинг белгиланмаслиги, ҳуқуқ ва мажбуриятлар соҳибининг бир вақтнинг ўзида ҳам фойда, ҳам зарар кўришига олиб келиши мумкин. Бунда асосий ўринни субъектнинг муайян ҳуқуқий муносабатда кредитор ёки қарздор сифатида иштирок этиши эгаллайди. Агар шахс фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда кредитор сифатида иштирок этаётган бўлса, муддатнинг белгиланмаслиги унинг учун бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқаради. Яъни, қарздорнинг ўз мажбуриятларни бажаришни кечиктириши кредитор

хуқуқларини ўз вақтида амалга ошмаслигига олиб келади. Аксинча, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда субъект қарздор сифатида иштирок этаётган бўлса, муддатнинг белгиланмаслиги унинг фойдаси учун хизмат қилади. Бунда қарздор муддат белгиланмаганлиги туфайли ўз зиммасидаги мажбуриятни бажаришни узоқ вақтгача чўзиб юриши мумкин (гарчи, ФКнинг 242-моддасида мажбурият талаб қилинган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажарилиши шарт,-деб белгиланган бўлса-да).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994, 48-б.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1998. 412-б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.Т.:Ўзбекистон.1992.786 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.: Ўзбекистон.1993.114 б.
5. И.А.Каримов Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т.:Ўзбекистон.1995.246.
6. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Ўзбекистон.:1995.246 б.
7. Каримов И.А. Фан раўнақсиз буюк давлатни қуриб бўлмайди (Ўзбекистон ФАнинг 50 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзланган нутқ). Халқ сўзи, 1995, 4-ноябр.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва барқарорлик кафолатлари. –Т: Ўзбекистон 1997, 326 б.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эрки ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. –Т: Ўзбекистон, 2000, -112 б.
- 10.Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш-фаровонлик негизи. Халқ сўзи, 2000, 22-июл

II. Меъёрий манбалар:

1.Амалдаги меъёрий ҳужжатлар:

А) Конституция ва кодекслар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2001. 40б.
2. Гражданский кодекс Республики Узбекистан. –Т.: Адолат. 2003. –496 с.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Адолат. 2003. – 496б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. –Т.: Адолат. 1998. – 327б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. –Т.: Адолат. 1995. –299б.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Т.: Адолат. 1999. – 249б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. –Т.: Адолат. 1999. –240б.
8. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги ”Темир йўл тўғрисида”ги қонуни.
9. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги ”Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни.
- 10.Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво Кодекси.1993 йил 7 май.

11. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси.
12. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал Кодекси.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги 1998 йил 29 августдаги Қонуни
14. Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» ги 2001 йил 30 август Қонуни.

Суд амалиёти материаллари:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида”ги 1998 йил 11 сентябрдаги №18-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2000 йил 28 апрелдаги №7-сонли Қарори

Илмий адабиётлар:

1. Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Т.: "Адолат". 1996.-296 б.
2. Гражданское право. Учеб.в 3-х т.1т. 3-ое изд./под.ред. Сергеев А.П., Толстого Ю.К. М.Проспект.1998.-632 с.
3. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Т.Адолат.2002.
4. Закиров И.Б. и Сайфуллаев Ф.Х. Некоторые вопросы кодификации гражданского законодательства Узбекиской ССР.-Т.:1958.
5. Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1997.-504 б.
6. Зокиров И., Окюлов О., Баратов М. Фуқаролик ҳуқуқи: саволлар ва жавоблар.-Т.: ТДЮИ. 2003.-224 б.
7. Хўжалик (Тадбиркорлик) ҳуқуқи./Масъул муҳ. Отахонов Ф.Ҳ.-Т.: ТДЮИ.2003.-435 б.
8. Халқаро хусусий ҳуқуқ./Масъул муҳ. Ҳ.Р.Раҳмоқулов.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ.2002.-448 б.
9. Давлат ва ҳуқуқ назарияси./Масъул. муҳаррир. Бобоев Х.Б. Одилқориев Ҳ.Т.-Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2000.
- 10.Ибратов Б. Пудрат ва қонун.-Т.:Адолат 1998.-120 б.
- 11.Ибратова Ф. Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун қонун билан белгиланган муддат.//Хўжалик ва ҳуқуқ.2000.№9. Б. 36-39.
- 12.Ибратова Ф. Пудрат шартномасида муддат. //Хўжалик ва ҳуқуқ.2001.№1. Б. 32-35.

- 13.Ибратова Ф. Маҳсулот етказиб бериш шартномасида муддатнинг аҳамияти. //Хўжалик ва ҳуқуқ.2001.№7. Б. 40-42.
- 14.Ибратова Ф. Хўжалик ҳуқуқий муносабатларида муддатлар.// Хўжалик ва ҳуқуқ.2000.№5.Б.44-45.
- 15.Раҳмонкулов Ҳ.Р. Олди-сотди шартномаси.-Т.:Адолат.2000.
- 16.Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари.-Т.:ТДЮИ.2003.-49 б.
- 17.Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи:умумий қоидалар ва алоҳида объектлар.Дарслик.-Т.:ТДЮИ.2003.-209 б.
- 18.Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари.-Т.:Адолат.1994.
- 19.Эгамбердиев Э. Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари.-Т.:Камалак. 1996.-96 б.
- 20.Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.-Т.:ТДЮИ.2004.-143 б.